


БИОЛОГИЯ ГЕНЕТИКА

“___” БОСҚИЧ “___” ГУРУХ ТАЛАБАСИ
НИНГ
ЛАБОРАТОРИЯ МАШФУЛОТЛАРИ УЧУН
УСЛУБИЙ КҮРСАТМА



Мавзу: Биология фанида эришилган ютуклардан фойдаланиш.

Дарснинг мақсади. Ўсимликининг өзиниң таъсирини жадидлаштирувчи тарбияни таъминлаштирувчи макулдудан ютуклардан фойдаланиши ўргатиш.

Асосий тушунча. Биология фани аниқ фанлар (математика, физика, геометрия, астрономия ва х)дан фарқ қилиб, ҳажм жиҳатидан кенг, мазмун жиҳатидан мураккаб назарий масалаларни қамраб оладиган фандир.

Биология - бу тириклик ҳақидаги фан бўлиб, материянинг маълум бир шакли сифатидаги тирикликнинг яшаш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Биология юононча биос- ҳаёт, логус- фан деган маънони билдиради. Биология атамасини 1802 йилда бир-биридан мустасно тарзда француз олимни Ж.Б. Ламарк ва немис олимни Г.Р. Тревиранус томонидан фанга киритилган. Инсоният азалдан тирикликка қизиқиш билан қараган. Шу сабабли биология фан сифатида шаклланиб ва ривожланиб борди. Биологиянинг фан бўлиб шаклланишида қадимги Юнонистонда Гераклит, Эмпедокл, Аристотел, Теофраст, Лукретций Кар, Клавдий Гален, Марказий Осиёда Аҳмад ибн Наср Жайхоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек ва Абу Али ибн Синолар жуда катта ҳисса қўшишган.

Аристотел (384-322) дунёнинг реал мавжудлиги ва уни англаб олиш мумкинлигини таъкидлаган. У биология фанининг ривожланишида кўп янгиликларни амалга ошириди ва ҳайвонларнинг 510 турини изоҳлаб, илк бор уларни «Қонлилар» ва «Қонсизлар» грухига бўлади. Бу ҳозирги умуртқалилар ва умурқасизларга тўғри келади. Шунингдек, биологиянинг шаклланиши ва ривожланишидаги кескин давр буюк инглиз олими Ч.Дарвиннинг оддийдан мураккабга аста-секин миллиард йиллар давомида, ерда тирикликнинг эволюцион назариясининг яратилишига тўғри келади. Бу назария ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги барча мураккаб жараёнлар ҳақидаги тушунчаларни тубдан ўзгартириди ва қайта шакллантириди. Бу эса биологиянинг ривожланиши жараёнида мавжудотларнинг атроф-муҳит билан муносабатини чуқур ўрганувчи тармоқларни вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилди.

Тирик табиатни ўрганиш деҳқончилик ишларини ривожлантиришда ҳам ўз аксини топди. Маълумки, жаҳон аҳолиси сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 21 асрнинг бошларида сайёрамизнинг аҳолиси 6 млрд. дан ошиб кетди. Ҳар бир киши нормал ҳаёт кечириши учун бир кеча кундузда 100-120 гр оқсил истеъмол қилиши керак. Ваҳоланки, кўпчилик аҳолининг истеъмол қиласиган кунлик оқсими 50-60 граммдан ошмайди. Бу эса уларни озиқ- овқат, кийим-кечак билан таъминлашдек муҳим миаммоларни келтириб чиқаради. Буларни ҳал қилиш учун сермаҳсул ҳайвон зотлари, тезпишар, заараркунанда ва касалликларга чидамли, серҳосил янги ўсимлик навларини яратишни тақозо этади. Бу масалаларни ҳал қилишда селекция ва унинг назарий асоси ҳисобланган генетика, эволюцион таълимот, биотехнология қонуниятларини яхши билиш керак.

Ўсимликлардан мўл ҳосил етиштиришда тупроқ ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, монокультурадан воз кечиш, алмашлаб

экишни жорий этиш, зааркунанда ҳамда касалликларга қарши курашишда биологик усуллардан көнг фойдаланиши талаб этади.

Табиий шароитда тарқалган фойдали ўсимлик ва ҳайвонлардан фойдаланиш учун уларнинг биологиясини, яъни ривожланиши, кўпайиш тезлиги, ҳосил бериш даражасини билиш керак.

Ўрмон хўжалигини юритиш, овчилик, мўйначилик билан шуғулланиш ҳам биологик билимларга асосланади. Кейинги пайтларда саноатнинг туркираб ривожланиши натижасида сув, ҳаво, тупроқ ифлосланиб кетди (Орол денгизи мисолида). Натижада ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонлар ҳаётига хавф туғдирмоқда. Қанчадан қанча ўрмонларни кесилиши ва чўлларни инсон томонидан ўзлаштирилиши туфайли кўпгина фойдали табиий ўсимликлар камайиб бормоқда ва йўқолиши арафасида турибди. Шунинг учун ҳам инсониятга зарур бўлган моддий неъматларни юқори суръатлар билан кўпайтириш усулларини яратиш ҳозирги замон фани олдида турган энг муҳим долзарб вазифа ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишда селекция фанини аҳамияти жуда катта. Шу сабабли, инсоният кўп асрлар давомида селекция йўли билан маданий ўсимликларнинг ўн минглаб янги навларини яратди. Ҳозирги вақтда 4000 га яқин буғдой навлари, 2000 га яқин олма навлари 10 000 га яқин атиргул навлари, 9000 га ғўза навлари маълум.

Чорвачилик ва ўсимликшуносликда биологиянинг қуидаги ютуқларидан фойдаланилмоқда: ўсимликларни касалликлардан ва зааркундалардан ҳимоя қилиш учун микробиологик моддалар, бактериал ўғитлар, ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи регуляторлар, ген ва ҳужайра мухандислиги усуллари асосида қишлоқ хўжалик ўсимликларининг юқори ҳосилли, ноқулай ташқи таъсирларга чидамли янги навлари, дурагайларини яратиш, қимматли озуқа қўшимчалари ва биологик актив моддалар (оқсиллар, аминокислоталар, ферментлар, витаминалар, ветеринария учун препаратлар), чорвачиликда асосий касалликларнинг олдини олишда биомухандислик усулларини ишлаб чиқиш ва улар ёрдамида профилактика, диагностика ва терапия йўлга қўйилмоқда.

Чорвачиликда наслдорликни ошириш, ем-хашак сифатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги саноатининг чиқиндиларини фойдали қайта ишлаш технологияларини яратиш киради.

Ген инженерияси ёрдамида нуклеотидлар тартиби ўзгарган ДНК молекуласи ҳосил қилинади ва уни ишлаб турган ҳужайра геномига ўтказилади ва шу билан янги ирсий белгили ҳужайралар олинади. Ген инженерияси ҳозирги кунда организмлар ирсиятини ўзgartиришнинг энг қулай усулларидан бири бўлиб қолди. Ҳужайра инженериясининг қўлланилиши натижасида ҳайвонларнинг клонини олиш биотехнологияси яратилди. Бактерияларда клон ибораси асосан, бир бактерия ҳужайраси бўлиниши натижасида ҳосил бўлган, ирсияти ва сифат жиҳатидан бир хил teng бўлган бактерия колониясини ёки айнан бир гендан кўчириб олинган ген нусхалари йиғиндисини ифодалаш учун ишлатилади.

Юксак ўсимликларнинг клонлари сунъий шароитда ҳужайрадан етиштирилади ёки қаламчани пайвандлаш йўли билан олинади. Ҳайвонлар вегетатив йўл билан кўпаймаслиги сабабли уларнинг клонларини олиш яқин йилларгача муаммо бўлиб келар эди. 1977 йилда инглиз олим Ж. Гердон томонидан ҳужайра инженерияси усулини қўллаш натижасида ҳайвонларни клонларини яратиш биотехнологияси ишлаб чиқилди. Ядросиз тухум ҳужайрага шу организмнинг соматик ҳужайра ядросини кўчириб ўтказиш билан генотипи бир хил бўлган организмларни олиш мумкин. Агар шу усулни қишлоқ хўжалик ҳайвонларида қўлласа жуда катта амалий аҳамиятга эришиш мумкин. Чунки корамоллар,

қўйлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида серсут, серёғ, сержун, гўштдорлари учрайди. Жинсий кўпайишда бу хўжалик қийматига эга бўлган белгилар юзага чиқмаслиги мумкин.

Наслчилик ишларини янада ривожлантиришга қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг насл қолдириш қобилиятининг пастлиги ва уларнинг вегетатив йўл билан кўпая олмаслиги тўсқинлик қиласяпти. Мана шу табиий тўсиқларни олиб ташлаш учун ҳайвонларни кўпайтиришда табиий усулдан сунъий усулга ўтиш мумкинлиги олимлар томонидан ишлаб чиқилган янги биотехнологик усулларда ўз аксини топмоқда.

Шундай усуллардан бири эмбрионларни трансплантация қилишdir. 1971- йилга келиб сичқонлар эмбрионини музлатиш ва эритиш борасида муваффақиятли ишлар қилинди. 1973- йилда эса сигирларнинг музлатилган эмбриони эритилиб, сўнgra кўчириб ўтқазилиши натижасида биринчи бузоқ олинди. Эмбрионларни трансплантация қилиш йўли билан 10 йил мобайнида (1973-1982 й.й.) Канадада 5413 та бузоқ олинди, АҚШда 1990 йилгача 500 минг, Ҳамдўстлик мамалакатларида эса шу муддатга келиб 12 минг бузоқ олинган. Эмбрионларни трансплантация қилиш бўйича Халқаро жамият тузилган бўлиб (МОТЭ, 1984й), унда 35 мамлакатдан 830 та аъзо иш олиб боради. Кейинги 12 йил ичida эмбрионларни трансплантация қилиш бўйича рекорд натижаларга эришилди. Масалан, АҚШда ҳар бир донор сигирдан йилига 135 та, Францияда 80 та, Германияда 57 та, Россия Федерациясининг чорвачилик институтида 44 донор сигирдан 261 та, Украина чорвачилик институтида 6 донор сигирдан 71 та трансплантат бузоқ олинди. Маълумки, ҳайвонлар табиий ем-хашакни етарли даражада ҳазм қилмайди, айрим ҳолларда озиқанинг ярмидан кўпи гўнгга чиқиб кетади. Шунинг учун озиқанинг тўйимлилигини ошириш ва баланслантириш унинг таркибидаги оқсил ҳамда аминокислоталар биотехнологик усулда олиниб керакли микдорда кўшилади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари касалликларига қарши эмлаш учун ишлатиладиган вакциналар олиш катта иқтисодий самара беради. Одатда ишлатиладиган вакцина препаратлари касаллик қўзгатувчи (бактерия, вирус) ларни кучсизлантириш ёки активлигини йўқотиш ва унга ҳар хил озиқлантирувчи суюқликлар қўшиш йўли билан олинади. Чорвачилик фермаларидаги чиқадиган гўнгдан биогаз олиш ҳам биотехнологик асосга эга. Биогаз берувчи курилмалар алоҳида хўжаликларни ёқилғи ва юқори самарали экологик тоза ўғитлар билан таъминлайди. Бундай қурилмаларни жорий этиш чорвачилик ва паррандачилик фермалари, уларнинг атрофидаги экологик муҳитни яхшилайди.

Биологияда ҳам бошқа фанлардаги каби кўп муаммолар, ўз ечимини кутаётган масалалар, тирик табиат сирлари мавжуд. Бу муаммолар:

биринчидан молекулаларнинг тузилиши ва функциясини аниқлаш;

иккинчидан бир ва кўп хужайрали организмларнинг ривожланишини тартиба солувчи механизmlарни аниқлаш;

учинчидан организмларни шахсий ривожланишидаги ирсият механизmlари, яъни оқсил биосинтезидан ҳужайра ҳосил бўлгунга қадар табақаланишини ойдинлаштириш;

тўртинчидан организмларни тарихий ривожланишини аниқлаш;

бешинчидан ерда ҳаёт пайдо бўлиши муаммоларини ечиш ва тажрибада исботлаш;

олтинчидан инсонларнинг табиатга кўрсатадиган ижобий ва салбий таъсирини билиш;

еттинчидан одамнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган баъзи муаммоларни ҳал қилиш ва шу каби муаммолар биология фани олдида турган асосий вазифалардан хисобланади.

№	Биологиянинг ўсимликшуносликда эришилган ютуқлари	№	Биологиянинг чорвачиликда эришилган ютуқлари

Назорат саволлари

1. Биология фанининг ривожланиш тарихи тўғрисида нималарни биласиз?
 2. Биология фанининг ўсимликшуносликдаги аҳамияти қандай?
 3. Биология фанининг чорвачиликликтаги аҳамияти қандай?
 4. Биология фанининг муаммолари нималардан иборат?

Сана

2-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

Мавзу: Органик олам эволюциясининг далилларини ўрганиш.

Дарснинг мақсади: Органик олмнинг эвалиюциясини далиллар асосида тушунтириб бериш.

Керакли материаллар: Кафедрада мавжуд органик оломнинг келиб чиқиши ва унинг эвалюциясини изоҳловчи кўргазмали куроллар, предметлар, жадваллар, расмлар.

Асосий түшүнчә. Органик оламнинг келиб чиқиши мавжуд қарашлар:

1. Маълум вақт даврида ҳаёт илохий куч томонидан яратилган деган назарияи (креационизм назарияси). Бу назарияга кўра қачонлардир ҳаёт ер юзида илохий куч томонидан яратилган. Теология соҳасида ишловчи олимларнинг фикрича одам 23 октябр эрталаб соат 9 да яратилган.

2. Ҳаётнинг ўз ўзидан пайдо бўлиши. Ушбу назария Хитой ва Мисрда хукмрон бўлиб келган. Аристотел шу назария асосчиларидан ҳисобланади. Унинг фикрича табиатда нотирек организмдан аста секин ҳайвонлар пайдо бўлган.

3. Стационал ҳолат назарияси. Бу назарияга кўра ер қачонлардир ҳосил бўлмаган балки доимо бўлган шунинг учун ҳаёт илгари бўлган.

4. Панспермия назарияси. Ушбу назарияга асосан ҳаёт тўсатдан бирданига пайдо бўлган шунинг учун ҳаётнинг пайдо бўлиш тушунчасини назария деб аташ мумкин эмас

5. Биохимик эвалюция назарияси. Ушбу назарияга асосан ернинг пайдо бўлиши 4,5- 5 млд йил олдин бўлган. Дастрлабки вақтларда унинг ҳаророрати 4000-8000 бўлган. Опарин таълимоти бўйича нотириклиқдан тириклидик ҳосил бўлишида асосий ролни оқсиллар ўйнайди. Комплекс бир бири билан бирлашиб кооцерватларни ҳосил қилган.

Эвалюцияни тасдиқловчи омиллар (палентология, таққословчи эмбриологик ва биохимик далиллар).


Барча кўп ҳужайрали организмлар ўз шахсий ривожланишини уруғланган тухум ҳужайра-зиготадан бошлайди. Уларнинг барчасида зиготанинг бўлинини муртакнинг икки, уч қатламли ҳолати, унинг варакларидан турли органларнинг ҳосил бўлиши кузатилади. Эмбрионнинг ривожланишидаги ўзаро ўхшашлик, айниқса бир тип ва бир синфга мансуб ҳайвонларни ўзаро таққослаганда қўзга яққол ташланади. Масалан: Умуртқали ҳайвонлар синфидан: балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар, күшлар, сут эмизувчилар эмбрионал ривожланишининг бошланғич даврларида бир-бирига жуда ўхшаш бош, тана, дум, томоқ ёнида жабра ёриқлари бўлади. Эмбрион ривожланган сари турли синфга кирувчи ҳайвонлар орасидаги ўхшашлик камая боради. Уларда шу ҳайвон синфи, туркуми, оиласи, авлоди ва турига хос белги-хоссалар пайдо бўла бошлайди. Масалан, горилла билан одам эмбриони дастрлаб ўхшаш бўлсада, эмбрионал ривожланишнинг кейинги даврларида одам эмбрионида пешона, горилла эмбрионида эса жағ олдинга бўртиб чиққанлигини кўришимиз мумкин. Натижада, эмбрионал ривожланишда белгиларнинг умумийлигидан хусусийликка томон ажralиш рўй беради.

Юқорида келтирилган далиллар ҳар бир индивид ўзининг шахсий ривожланиши-онтогенезида (лотинча онтос-шахсий, генезис-ривожланиш) ўз турининг ривожланиш тарихи - филогенези (юонча пиле-авлод) ривожланишини қисқача тақрорлайди. Онтогенезда филогенезнинг қисқача тақрорланиши Биогенетик қонун деб аталади. Бу қонун немис олимлари

Э.Геккель ва Ф.Мюллер томонидан кашф этилган. Биогенетик қонун барча ўсимлик, ҳайвонот дунёсида ўз ифодасини топади. Масалан, бақанинг итбалиғи сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг аждодлари бўлмиш баликларнинг ривожланиш босқичини тақрорлайди. Ўсимликларда, чигитдан унган маданий ғўза навларида олдин яхлит пластинкали, кейинчалик икки, уч, тўрт, беш бўлакли барглар ҳосил бўлади. Ёввойи ғўза турлари раймондий, клоцианум поясидаги барча барглар яхлит пластинкадан иборат. Демак, маданий ғўзалар шахсий ривожланишида ёввойи аждодларнинг тарихий ривожланиши қисқача тақрорланади. Лекин шахсий ривожланишида авлод- аждод организмларнинг тарихий ривожланишини барча босқичлари эмас, балки айримлари тақрорланади бошқалари тушиб қолади. У авлод-аждодлар тарихий ривожланиши миллион йиллар давом этганлиги, шахсий ривожланиш эса жуда қисқа мuddатда ўтиши билан изоҳланади. Иккинчидан, онтогенезда аждодларнинг етук формалари эмас, балки эмбрион босқичлари қайтарилади.

Чизилади.

1-расм. Гомологик органлар: 1-қушнинг қанот скелети, 2-дельфиннинг олдинги оёғи, 3-одам қўлининг скелети.



2-расм. Рудемент органлар.

Эволюциянинг далилларида анатомик далиллари ҳам муҳим ўрин тутади. Бажарадиган функциясидан қатъи назар тузилиши ва келиб чиқиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш органлар гомологик органлар деб аталади. (1 - расм.) Масалан, умуртқали ҳайвонларнинг куруқликда, ҳавода тарқалган вакилларида олдинги оёқ юриш, ер қазиш, учиш, сузиш вазифасини бажаради. Лекин уларнинг ҳаммаси елка, билак, тирсак, кафт уст, кафт ва бармоқ суюкларидан иборат. Гомологик органлар ўсимликларда ҳам учрайди. Масалан, нўхатнинг гажаклари, зирк ва кактуснинг тиканлари шакли ўзгарган баргdir.

Аналогик органлар дейилганда бажарадиган функцияси жиҳатидан ўхшаш, лекин келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил органлар тушунилади. Кактуснинг тиканлари барг, дўлананинг тиканлари поя, атиргулнинг, малинанинг тиканлари эса эпидермис ўсиқларининг ўзгаришидан ҳосил бўлган. Худди шунингдек бошоёқли молюскалар қўзи билан умуртқали ҳайвонларнинг қўзи ҳам аналогик органларга мисолдир. Чунки бошоёқли молюскаларда қўз эктодерма қаватининг чўзилишидан, умуртқалиларда бош мия ён ўсимтасидан ривожланади.

Эволюцион жараёнда ўз аҳамиятини йўқотган ва йўқ бўлиб кетиш босқичида турган органлар рудемент органлар деб аталади(2-расм).Рудемент органлар қадимги аждодларда нормал ривожланган ва функция бажарган. Рудемент органлар ўсимликларда ҳам ҳайвонларда ҳам учрайди. Масалан, марваридгул, буғдойик, папаротник ва хона ўсимликларидан аспидистра илдизпоясидаги қобиқлар рудемент ҳолдаги барг хисобланади. Отнинг иккинчи ва тўртинчи бармоқлари, китнинг думгаза суюклари ва оёқ суюклари, пашшаларда бир жуфт кичик қанотчалар ҳам рудемент органлардир.

Органик оламнинг тарихий ривожланишини исботлашда палеонтология далиллари муҳим ўрин эгаллайди. Инсонлар Ер юзида пайдо бўлмасдан олдин ҳам ўсимликлар,

замбуруғлар ва ҳайвонлар яшаган. Уларнинг баъзилари ўзгариб органик оламнинг ҳозирги вакилларини ҳосил қылган бўлсалар, кўпчилиги яшаш учун кураш, табиий танланишда қирилиб кетган ва қазилма ҳолда ернинг турли қатламларида сақланмоқда. Юмшоқ танаға эга бўлган кўпчилик умуртқасизлар, ўсимликлар, замбуруғлар ўлгандан кейин микроорганизмлар томонидан парчалаб юборилган ва ўзларидан кейин ном нишон қолдирмаган. Бошқалари эса океан, денгиз, баланд тоғ остидаги қатламларда қолиб кетган. Организмларнинг қаттиқ қисмлари анча-секин парчаланиб, улар ичига кирган минерал моддалар кремнезем билан ўрин алмашган. Бундай ҳолларда тошга айланиш ҳодисаси рўй беради. Ер қатламларида қадим замонларда ўлиб кетган ҳайвон скелети, суюклар, жағлар, тишлар, шохлар, тангачалар, чиғоноқлар, ўсимлик поялари ва ўсимлик излари бирмунча тўлиқ ҳолда ҳозирг



3-расм

3-расм Палеонтологик далиллар: Динозавр скелети, Латимерия

Палеонтолог олимлар ҳайвонларнинг қазилма ҳолдаги қолдиқларига қараб организмлар ҳаёт даврида қандай бўлса, худди шундай ташки қиёфасини ва тузилишини тикламоқдалар. Биология фанида тўпланган палеонтологик далиллар қадимги вақтларда ҳайвонот ва ўсимлик олами қандай бўлганлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга имкон бермоқда.

4. Органик олам эволюциясини исботлашда Ер юзида ҳайвонот ва ўсимликнинг жойланишини ўрганувчи фан биогеографиянинг далиллари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуртқали ҳайвонларнинг ер юзида жойлаттиттига. қараб қуруқлик 6 та зоографик вилоятга бўлинади. Булар Палеоарктик (Европа, Шимолий Африка, Шимолий ва Марказий Осиё, Япония), Неоарктик (Шимолий Америка), Ҳабашистон (Африканинг Сахрои Кабир жануби), Ҳиндомалай (Жанубий Осиё, Малайя архипелаги), неотропик (Жанубий ва Марказий Америка), Австралия (Янги Гвинея, Янги Зеландия, Тасмания) вилоятлари. Барча қитъаларда ҳайвонларнинг тип ва синф вакиллари учраса ҳам, анча майда систематик гурухлар-туркум, оила, авлод ва тур вакилларини таққослаганда улар ўртасида катта фарқларни кўришимиз мумкин. Ҳар хил зоографик вилоятлар ҳайвонот оламининг ўзаро ўхшашлиги ва фарқи турличадир. Масалан, Беринг бўғози орқали палеоарктик ва неоарктик вилоятлари иккига бўлинган. Шунга қарамай ҳайвонот олами кўп жихатдан ўхшаш. Ҳар икки континентда ҳам буғулар, силовсинлар, тулкилар, айиқлар, қундузлар, қуёнлар (бир хил ёки жуда яқин турлар) яшайди. Масалан, Шимолий Америка бизони қариндош тур Европа зурларига, Сибир буғуси марал, Америка буғуси вапитига, муфлон эса Америка тоғ қўйига мос келади. Аксинча палеоарктик ва Ҳабашистон географик жихатдан бир бутун бўлсада, ҳайвонот олами бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Кейинги зоогеографик вилоят учун характерли бўлган шимпанзе, горилла, жирафа, мартишка, лемур, фил, олдингисида учрамайди.

Неоарктик ва неотропик зоогеографик вилоятлар ҳам Панама бўйни билан туташган. Лекин Жанубий Америкада яшайдиган зирхлилар, чумолихўрлар, кенг бурунли маймунлар, туёқлилардан тапир, ламалар, кушлардан нанду тужуши, калибрилар неоарктик вилоятда учрамайди.

Назорат саволлари

1. Эмбриологик далиллар ва Биогенетик қонуннинг аҳамияти қандай?
2. Анатомик далилларни аҳамияти нимада?
3. Палеонтологик далилларни аҳамияти нимада?
4. Биогеографик далилларни аҳамияти қандай?

№	Эмбриологик далиллар	Анатомик далиллар	Палеонтологик далиллар	Биогеографик далиллар

1. Кафедрада сақланаётган полентологик далиллар расмини чизиш ва уни таҳлил қилиш.
2. Эмбрионал ривожланиш босқичларни ўсимлик ва ҳайвонларда солишириб ва ушбу босқичларни расмни сизинг.
3. Органик оламнинг эволюцияси түгрисида далилларга асосланган ҳолда хулоса ёзинг.

Сана_____

3-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

Мавзу: Яшаш учун кураш, табиий танланиш, сунъий танлашни таҳлил қилиш.

Дарснинг мақсади. Яшаш учун кураш табиий ва сунъий танлаш ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганиши ва таҳлил қилиши.

Умумий тушунча.

Ч.Дарвин маданий ўсимлик навлари, хонаки ҳайвон зотларининг хилма-хиллиги, келиб чиқиши сабабаларини аниқлагандан кейин, табиатдаги организмларнинг турли-туманлигини ўрганишга, унинг сабабларини аниқлашга ўз эътиборини қаратди. Ч.Дарвинни табиий шароитда яшовчи ҳар бир ўсимлик ва ҳайвон кўпайгандан ўзидан ниҳоятда кўп насл қолдириши ҳайрон қолдирди. Ч.Дарвин «Яшаш учун кураш» иборасини кенг маънода, яъни организмнинг ўзаро ҳамда анорганик табиатнинг ноқулай шароитлари орасидаги мураккаб ва хилма-хил муносабатларини, шунингдек, ўзидан кейин нормал насл қолдиришини тушинган. Ч.Дарвин кўп йиллик кузатишларидан сўнг яшаш учун

курашнинг уч хилини а) Тур ичидағи кураш б) Турлар орасидаги кураш в) Организмларнинг табиатнинг ноқулай шароитларига қарши курашни фарқ қилган

а) Тур ичидағи кураш жуда кескин бўлади. Чунки, уларнинг озиқага, яшаш шароитига талаби, хавф-хатари бир хил бўлади. Масалан, бир турга мансуб йиртқичлар ўртасида ўлжа талашиб ва ўлжа тутиш бир хил бўлади. Тур ичидағи кураш ўсимликлар дунёсида ҳам кўплаб кузатилган. Масалан: шоҳ-шаббаси кенг қулоч ёзган баланд дараҳтлар қўёш нуридан кўпроқ баҳраманд бўлади. Бақувват илдиз системаси ердаги сув ва унда эриган минерал моддалардан кўпроқ озиқланиб, ён атрофидаги ёш дараҳтларни сиқиб қўяди. Бақувват дараҳтлар бошқа дараҳтларни ўсиши ва ривожланишини тўхтатиб, уларни бутунлай нобуд қиласади.

4-расм: Яшаш учун кураш:

1 .Ўсимликлар оламида

2.Ҳайвонот дунёсида

Расми чизилади:

б) Турлар орасидаги яшаш учун кураш турли шаклларда намоён бўлади. Масалан, Марказий Осиёда кейинги 30 йил мобайнида Ҳиндистон майнасини кўпайиши бошқа қушларнинг яшаш учун курашда аста-секин улар сонининг камайишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, йиртқич ҳайвон билан унинг ўлжаси, ўтхўр ҳайвонлар билан ўсимликлар, ҳашоротхўр қушлар билан ҳашоротлар ўртасидаги ўзаро муносабат, маданий ўсимликлар билан бегона ўтлар орасидаги рақобат, паразитлик қилиб яшайдиган жигар қурти, чўчқа солитёри, ғўзани ўргимчак канаси, карам капалагини личинкаси ва маданий ўсимликлар ҳисобига яшайдиган зарпечакларни мисол қилиб олишимиз мумкин.

в) Организмларнинг табиатни ноқулай иқлим шароитига қарши курашини ҳамма жойда кўришимиз мумкин. Одатда нами кам жойлардаги ўсимликлар қисқа муддат ичида, яъни баҳорда гуллаб уруғ беради. Бошқа ўсимлик турларини, чунончи янтоқнинг барглари майда, илдизлари узун бўлади. Ҳаво ҳароратининг пасайиши билан қушлар ва сут эмизувчиларнинг пат ва юнглари қалинлашади, сувда ҳам қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар, умуртқасиз ҳайвонлар қишки уйқуга кетади. Буларнинг ҳаммаси организмларнинг табиатнинг ноқулай шароитига қарши курашига мисол бўлади.

2. Табиий танланиш ҳақидаги тушунча эволюцион таълимот учун муҳим аҳамият эга. Ч.Дарвин табиий танланиш деганда, фойдали индивидуал ўзгаришларга эга

организмларнинг яшаб қолишини, зарарли ўзгаришларга эга организмларнинг кирилиб кетишини, яъни мослашган формаларнинг яшаб қолишини, мослашмаган формаларнинг нобуд бўлишини назарда тутган. Табиий танланиш жараёнида организмлар яшаб қолиши ёки нобуд бўлишидан ташқари, уларнинг дифференциал урчиши ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги замон биологиясида табиий танланишнинг уч хил шакли фарқланади. а) **Стабиллаштирувчи** б) **Ҳаракатлантирувчи** в) **Дизруптив.**

а) Стабиллаштирувчи танланиш деб ўртача қийматга эга бўлган мавжуд белги ёки хусусиятнинг популяцияда сақланиб қолиши ва юзага чиқитт^{тт} имкониятларини кучайтиришга қаратилган танлашга айтилади. Агарда муҳит шароити муайян давр мобайнида нисбатан доимий бўлиб қолса, у ҳолда табиий танлаш ўзгармай, муайян фенотипнинг адаптив (энг қулай) «нормаси» шаклланади. Стабилловчи танлашни бир қанча мисоллар билан тушунтириш мумкин: Шимолий Америкада кучли бўрон билан қор ёққандан кейин ўлим ҳолатидаги 136 та чумчук топилган, улардан 72 таси тирик қолган, 64 таси ўлган. Ўлган чумчуқларнинг қаноти жуда узун ёки қисқа эканлиги диққатни ўзига тортади. Шуниси характерлики, стабилловчи танланишнинг натижаларидан яна бири тириклиknинг биокимёвий негизининг ўхшашлиги, яъни тубан умуртқалилардан тортиб, одамгача оқсилнинг бир хилдалиги - 20 та аминокислоталардан иборатлигидадир. Ҳаёт пайдо бўлишининг илк босқичларида вужудга келган биокимёвий асос, генетик код барча тирик мавжудотларнинг ўз-ўзидан кўпайиши учун қулай бўлганлиги сабабли биологик эволюция давомида консерватив тарзда сақланиб қолган.

б) Ҳаракатлантирувчи танланиш деб ижобий йўналишдаги, яъни ўртача қийматли белгиларни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи танлашга айтилади. Муҳит шароити ўзгариши билан организмнинг фенотипик хусусиятлари ҳам ўзгара бошлайди ва бу илгари вужудга келган генотип асосида янги модификация пайдо бўлишига олиб келади. Бундай модификация янги ирсий форма яратмайди, аммо у эволюцион тараққиёт йўналишини кўрсатиб турувчи индикатор вазифасини ўтайди ва шу туфайли муҳим ўтиш босқичи аҳамиятга эга бўлади. Янги фенотип таъсирида генотип қайта қурила бошлайди ва бу янгиланиш генотипик имкониятлар асосида рўёбга чиқадиган

Кўрсаткичлар	Сунъий танланиш	Табиий танланиш
Танлаш учун дастлабки материал		
Танловчи омил		
Ўзгариш йўллари: а) қулай б) ноқулай		
Таъсир қилиш хусусияти		
Танлаш натижалари		
Танлаш шакллари		

фенотипга эга бўлади. Бирор белгининг (аъзонинг) эволюция жараёнида йўқотилиши харакатлантирувчи танланиш натижасидадир. Ўз функционал аҳамиятини йўқотган аъзо табиий танланиш натижасида редукцияга учрайди. Айрим кушлар ва ҳашоратларнинг қанотсиз бўлиши, қоронги жойда ғорларда яшовчи ҳайвонларда кўз

бўлмаслиги, паразит ўсимликларда илдиз, барг бўлмаслиги ҳаракатланувчи танланиш натижасидадир.

в) Дизрүптив танланиш бир хил яшаш имкониятига эга бўлган турли хил фенотипик организмларни сақлаб қолади. Масалан, оч жигар ранг тупроқли ўрмонларда ток шиллиққуртининг жигар ранг ёки пушти ранг чифоноққа эга бўлиши, дағал ва сариқ рангли ўтлар ўсган жойда эса чифаноғи сариқ рангли хиллари учрайди. Чифоноқни яшаш муҳитига хос турли рангда бўлиши қушлар (шиллиққуртларни) кўплаб қиришидан сақлайди. Ток шиллиққуртини жигар ранг тупроқли ўрмонларда жигар ранг ёки пушти ранг, дағал ва сариқ рангли ўтлар ўсган жойда эса чифаноғи сариқ рангли бўлиши табиатда ҳимоя ранги эканлиги маълум бўлди. Бунга қўшимча қилиб қишлоқ хўжалик ўсимликларига зарар келтирадиган ҳашорот ва заараркунандалар масалан (шираларни ўсимлик майсалигида яшил рангга, пишиш даврида жигар рангга ўзгаришини) мисол қилиб олишимиз мумкин.

Инсон етиштираётган ўсимликлар ёки боқилаётган ҳайвонлар орасидан узоқ йиллар мобайнида ўзи қизиқтирган белги-хоссаси билан фарқ қилган индивидни насл олиш учун қолдириб, қолган организмларни кўпайтиришга йўл қўймаган. Шу тариқа муаян яхши ирсий белгиси намоён бўлган индивидлар кўп йиллар давомида танланиб борилган. Насл олиш учун қолдирилган организмлардаги мазкур белги бўғиндан-бўғинга ўтган сари орта борган. Масалан, тўқимачилик саноати учун толанинг сифати ниҳоятда аҳамиятга эга. Шу сабабли ғўзанинг янги навларини яратиш устида ишлаётган селекционерлар аввало янги навларнинг ҳосилдорлигини, кўсакнинг йириклигини, тола чиқими ва узунлигини доимо оширишга эътибор беришган. Натижада охирги 40 йил мобайнида бир қанча ижобий натижаларга эришилди.

Инсонлар ўсимлик ва ҳайвонлар устида сунъий танлаш ўтказар эканлар, доимо ўз эҳтиёжларини қондиришни асосий мақсад қилиб қўйдилар. Инсон эҳтиёжлари эса турлича, иқтисодий, хўжалик, эстетик ва ҳокозо. Мақсад турлича бўлиши туфайли сунъий танлаш ҳам ҳар хил натижаларга олиб келган. Масалан, сунъий танлаш орқали бир одам товуқнинг кўп гўшт берадиган зотини яратишни, иккинчиси кўп тухум берадиган зотини, учинчиси урушқоқини, тўртингчиси эса патлари, думи чиройли зотини чиқаришни мақсад қилиб қўйган. Бундай хилма-хил ёндашиш факат товуқларга нисбатан эмас, бошқа турларга ҳам тааллуқлидир. Шу усулда каптарнинг, карамнинг, ўрикнинг, шафтолининг, узумнинг, қовун ва бошқа ўсимликларнинг, шунингдек уй ҳайвонлари ва маданий ўсимликларнинг зот ва навлари яратилган. Ҳозирда қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган ўсимликларнинг ҳосилдор, ноқулай иқлим шароитга чидамли, эртапишар навлари ва ҳам сут, ҳам гўшт берадиган маҳсулдор ҳайвон зотларини яратишда сунъий танлаш муҳим омил ҳисобланади.

Кураш Шакллари	Кураш натижалари	Хайвонот дунёсидан мисоллар	Ўсимликлар дунёсидан мисоллар
Тур ичидаги кураш			
Турлараро Кураш			
Ноқулай шароитга карши кураш			

Назорат саволлари

1. Ч.Дарвин таълимотида яшаш учун кураш масаласи қандай ёритилган?
2. Ч.Дарвин таълимотида табиий танланишнинг аҳамияти қандай?

Сана _____

4-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

Мавзу: Ўзгарувчанлик хиллари ва уларнинг моддий асосларини ўрганиш

Машгулот мақсади. Организм кўрсаткичларининг ўзгарувчанлик даражасини аниқлаш.

Керакли материаллар. Калькулятор, услугбий кўрсатма ва бошланғич материаллар.

Ишлаш тартиби. Ўзгарувчанлик барча тирик организмларга хос бўлиб, унинг кўрсаткичи ташки мухит ҳамда ирсий кўрсаткичларга боғлиқдир. Ўзгарувчанлик коэффициентини хисоблашда $CV = \frac{\bar{Sx}}{\bar{x}} \cdot 100$ формула қўлланилади. Бу ерда CV – Ўзгарувчанлик коэффициенти, % :

\bar{Sx} - стандарт фарқ; \bar{x} - белгининг ўртача кўрсаткичи; 100 эса фоизга айлантириш коэффициенти. Одатда ўзгарувчанлик коэффициент 11% гача бўлса кам 12-25 % гача ўртача, 25%дан юкори бўлса эса кучли ўзгарувчан белгилардан деб ҳисобланади.

Мисол. Кузатувлар натижасида куйидаги натижалар олинди. $X_1 = (86,1 \pm 0,7)$ см ва $X_2 = (17,4 \pm 0,2)$ CV₁ = 0,7: 86,1x100=0,81% CV₂ = 0,2:17,4x100=1,15%

Ҳисоблаш натижасидан маълум булдики, биринчи белги иккинчисига нисбатан кам ўзгарувчан экан. Ўзгарувчанлик коэффициенти хатолигини хисоблаш учун $SC = \frac{CV}{\sqrt{n-1}}$ $eku - SCV = \sqrt{\frac{CV^2}{2n}}$

$\sqrt{\frac{CV^2}{2n}}$ формулалардан фойдаланилади.

Таърифи	Модификацион ўзгарувчанлик	Мутацион ўзгарувчанлик
Ўзариш обьекти		
Танловчи омил		
Белгини ирсийланиши		
Хромосомаларнинг ўзаришга учраши		
ДНК молекуласининг ўзаришга учраши		
Индивид учун аҳамияти		
Тур учун аҳамияти		
Эволюция учун аҳамияти		

Мустақил топширик.

Үқитувчи томонидан берилган маълумотлар асосида организм кўрсаткичларининг ўзгарувчанлик даражасини ҳисобланг. Бунинг учун қўйидаги ишларни бажариш керак бўлади.

1. Берилган маълумотлар асосида вариацион қатор тузиш;
 2. Вариацион қатор бўйича ўртача арифметик кўрсаткични ҳисоблаш;
 3. Белгининг ўзгарувчанлик коэффициентини ҳисоблаш
 4. Ўўгарувчанлик даражаси бўйича хулоса чиқариш

Сана

5-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Түр структураси ва ҳосил бўлиш ўсулларини ўрганиш

Дарснинг мақсади. Тур ҳосил бўлиш йўлларини билиш

Умумий тушунча. «Tur» so'zini 1-chi marta fanda qo'llagan olim Aristotel hisoblanadi. U o'xshash hayvonlarni harakterlash uchun ushbu terminni qo'llagan. Aristotel o'sha paytda 500 ortiq hayvonot, Tiofrast esa 400 ortiq o'simliklar turini ko'rsatib o'tishgan. Turga to'likq ta'rif berish D.Ryy (XVI) va K.Liney (XVII) ishlarida uchraydi.

Tur mezonları: K.M.Zavadskiy (1968) 10 ortıq belgilarni keltiradi:

soni, genetik, birligi, diskritligi, yashash muhiti, ariali, tarihiyligi, turgunligi va h.o.

Hozirgi kunda:

- morfolojik farqi.
 - fizyolojik – biohimiyaviy farqi.
 - ekolojiko-geografik farqi.
 - genetik mezonlar ajratiladi.

Morfologik mezon D.Rey va K.Linney davridan boshlanib, individlarni morfologo-anatomik tomondan tahlil qilishga asoslangan. Masalan: beda turkumiga kiruvchi Medicado tianchanica va M. sativa turlari bir biridan o'simlik bo'yi, shohlanishi, barglari katta-kichchikligi, gullari soni, rangi, mevasi va urug'lar tuzilishi bilan farqlanadi. Ayrim hollarda, ayrim turlar tashqi tomondan o'hshash bo'lsada, ichki tuzilishi bilan keskin farqlanadi.

Керакли материаллар. Бұғдойнинг 2 та тури мансұб ге́рбари́йлар.

Ишлаш тартиби: Ҳар бир турга киравчи буғдойнинг пояси, барглари, донлари, илдизи каби морфологик тузилишига эътибор бериб чиқинг. Ўхшашиблик фарқли томонларини ёзинг. Кузатиш натижаларига асосланиб икки турнинг морфологик белгиларини таққослаб куйидаги жадвалда ёзинг.

Морфологик белгилари	Қаттиқ бұғдой (<i>Triticum durum</i>)	Юмшоқ бұғдой (<i>Triticum aestivum</i>)
Поя шакли ранги узунлиги тупланиши		
Барглари		

ранги уузнлиги		
Дон хажми уузнлиги		
Илдиз хажми		

**К.Линней, Ж.Б.Ламарк, Ч.Дарвин томонидан Тур тушунчасининг
ифодаланиши**

Олимлар	Тур тушунчаси	Турнинг келиб чиқиши
К.Линней		
Ж.Б.Ламарк		
Ч.Дарвин		

Назорат саволлари

1. Тур деб нимага айтилади?
 2. Тур мезонларини санаб кўрсатинг?
 3. Нима учун генетик мезон асосий мезон деб аталади?
 4. Янги турлар нималар натижасида ҳосил бўлади?
 5. Тур таркиби?
-
-
-
-
-
-
-
-
-
-
-
-
-

Сана_____

6-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ



МАВЗУ: Ҳужайра организмларнинг моддий асоси эканлигини тахдил килиш.

*Дарснинг мақсади. Ҳужайра тузилиши ва унинг органоидлари тузилиши ва вазифасини
билиши*

Умумий тушунча. Ҳужайра - тирик организмнинг тузилиш асослари, яшаш жараёнларини таъминловчи хамда ирсий белгиларни ўзида мужассамлаштирган тузилмадир. Бинобарин, ўсимлик ёки хайвонлар бир бутун организм холида ҳужайралар ва ҳужайралараро тузилмалар йифиндисидан таркиб топган. Физиологик ҳолатига кўра, ҳужайралар шакли ва таркиби хар хиллиги билан бир биридан фарқ қиласди, яъни ҳужайраларнинг вазифаси уларнинг шаклини белгилайди. Тарихий биологик ривожланиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, хаёт ер юзасидаги жонсиз материянинг жонли материяга айланишдан, аникроқ қилиб айтганда, ҳужайралар пайдо бўлишидан келиб чиқкан. Масалан, дастлаб юмалоқ шаклдаги оқсили энг содда таначалар пайдо бўлган. Сўнг улар танасида моддалар алмашиниви жараёни пайдо бўлган. Йиллар ўтиши билан тарихий биологик ривожланиш давом этиб, атроф -мухит ўзгариши ва яшаш шароитининг яна ҳам мураккаблашиши оқибатида аста- секин мураккаб тузилган янги-янги организмлар пайдо бўла бошлаган. Бу эса, албатта, улар танасидаги оқсилилар тузилишига ҳам таркибий ўзгаришлар киритган, натижада улар турли вазифаларни бажаришга ҳам мослашиб борган. Маълумки, хозирги фан нуқтаи назаридан қараганда, тирик организмларнинг ривожланишида нуклеин кислоталар- (ДНК) ва (РНК)лар асосий вазифани бажаради. Улар организм учун зарур бўлган оксил моддаларни синтезлайди ва ўзида генетик маълумотларни сақлаб келади.

Ҳужайралардан ташкил топган тирик табиат оламининг барча организмлари икки йирик гурухга бўлинади.

1. Прокариотлар (Рго- аввалги, кагуоп - ядро) бактериялар, кўк яшил сув ўтлари, ядроиз ҳужайралар. Уларнинг озиқланиши гетеротроф, ҳам- автотроф ёки фотоавтотроф жараёнлари билан боради, кўпайиши - жинссиз.
2. Эукариотлар бир ҳужайралилар замбуруғлар, ўсимлик ва хайвон ҳужайралари.



1. Ядро; 2. Ядроча; 3. Донадор эндоплазматик тўр; 4. Лизосома; 5. Рибосома; 6. Гольжи аппарати; 7. Плазматик мембрана; 8. Силлиқ эндоплазматик тўр; 9. Митохондрия; 10. Хлоропласт; 11. Цитоплазма; 12. Хромопласт; 13. Центриола.

Керакли материаллар. Микроскоп, доимий ва вактинчалик кўк-яшил сув ўтининг, ўсимлик ёки хайвон ҳужайрасининг препаратлари, плакат, расмлар

Ишлаш тартиби: Кўк-яшил сув ўтидан ва ўсимлик ҳужайрасидан вактинчалик препарат тайёрланг. Тайёрлаган препаратингизда ҳужайраларни кузатинг. Доимий препаратларни ҳам микроскоп остида кузатинг. Ўхшашлик ва фарқли томонларига эътибор қаратинг. Кўрганларингизни расм дафтарингизга туширинг. Олинган натижаларни ёзинг.

Назорат саволлари:

1. Ҳужайра шакли ва ўлчамлари.
2. Прокариот ҳужайра қандай тузилган?
3. Прокариот ва эукариот ҳужайраларни солиштиринг.

Сана_

7-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Мавжудотларнинг тириклик даражасини ўрганиш

Дарснинг мақсади. Тирикликка хос бўлган умумий белгилар тўғрисида тушунчага эга бўлади

Умумий тушунча: Ф.Энгельс ўтган асрда (Табиат диалектикаси, Анти-Дюоринг асарида) беради: «Ҳаёт – оқсил жисмларнинг яшаш усулидир, бу яшаш усули эса ўзможияти билан мазкур жисмларнинг химиявий таркибий қисмларининг доимо ўзини – ўзи янгилаб туришидан иборат». Бу таърифда: а) ҳаёт оқсил жисмлар билан боғлиқлиги; б) ҳаётда доимий моддалар алмашинуви, ўзини-ўзи янгиланиши жараёни боришини; в) ҳаётда жисмлар ташки мухит билан ўзаро доимо алоқада эканлигини кўрсатилган. Мавжудотлар гурухи орасида ўзаро ўхшашлик ва фарқлар бўлишидан қатъий назар улар, яъни барча тирик мавжудотлар ўз тириклик (**ташкилий**) даражасига эгадир. Ҳар бир организмнинг таркиби кимёвий модда бирикмаларидан иборат. Шу моддалар организмнинг энг содда ташкилий даражаси - **хужайранинг** асосини ташкил этади. Ҳужайралар ўз навбатида организм учун хос бўлган аъзо ва тўқималарни, уларнинг ўзаро мураккаб муносабати бир бутун яхлит организмни ҳосил қиласди. Тирик мавжудот тузилмаларининг батартибилиги ҳақидаги тушунча тирикликнинг ташкилий даражасида ўз аксини топади. Тирикликнинг **молекуляр, субхужайравий, хужайравий, тўқима ва аъзо, организм, популяция** - тур, биогеоценотик ва биосфера даражалари тафовут этилади.

Ҳаётнинг тузилиш даражалари:

1. Молекуляр-генетик даражада. Ҳар қандай тирик организм биополи-мерлардан, нуклеин кислота, оқсил, углевод ва липидлардан тузилган. Бу дара-жада энергия ва модда алмашунуви, ирсий ахборотни узатиш амалга оширилади. Ирсий ахборотни узатиш генлар орқали бўлади.
 2. Ҳужайравий даражада. Ҳужайра хамма организмларнинг тузилиши бирлигидир. Ерда ҳужайрасиз организмлар мустақил, алохида яшай олмайди.
 3. Онтогенетик даражада (организм-индивидуид даражасида). Ҳаёт Ерда индивидлар организмлар кўринишида намоён бўлади. У ердаги ҳаёт кўринишининг элементар бирлигидир.
 4. Популяция-тур даражасида. Бу даражада популяция эволюцион жараённинг элементар бирлиги бўлиб хизмат қиласи. Элементар факторлар: мутацион жараён, популяция тўлқинлари, алохидаланиш ва табиий танланишлар мана шу даражада намоён бўлади.
 5. Биогеоценотик даражада. Турли турлар Ерда жамоалар-биогеоценозни хосил қиласи. Ҳар бир биогеоценоз – бу алохида экотизимдир. Экотизим ўзаро моддалар ва энергия алмашинуви билан бoggланган бўлиб, тирик организмлар ва унга тегишли компонентларнинг комплексидан ташкил топади. Биогеоценозлар - ўзини ўзи бошқара олади, ундаги организмлар бир-бири билан ўзаро боғлангандир. Биогеоценозлар

йиғиндиси биосферани ташкил қилиб, улар моддалар ва энергия алмашинуви билан ўзаро боғлангандир.

Назорат саволлари:

- 1.Хаётга таъриф беринг?
2. Ерда хаёт пайдо бўлиши тўғрисида қандай фаразларни биласиз?
- 3.Хаёт тушунчасининг ҳозирги замон таърифи.
4. Хаётнинг тузилиш даражалари.

Мустақил равишда жадвални тўлдиринг

№	Мавжудоднинг тириклик даражаси									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Таърифи										

Сана_____

8-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ МАВЗУ:Хаётнинг асосий хоссаларини ўрганиш

Машгулот мақсади: Хаётнинг қандай пайдо бўлганлигини ва унинг асосини нималар ташкил этишини билиш.

Умумий тушунча: Тириклика хос умумий белгилар:

1. Химиявий таркибининг бирлиги (тирик организмларнинг – 98 % ини - C,O,N, H ташкил қиласи).
2. Моддалар алмашинуви (тирик организмларда моддалар алмашинуви кузатилади. Бу алмашинув ўлик табиатдан фарқ қилиб янги сифат (ассимиляция ва диссимиляция) кўринишида боради).
3. Репродукция жараёни борлиги (ўз-ўзига ўхшашиб индивидларни яратади).
4. Ирсият (ўз ирсий белги ва хоссаларини авлодларга ўтказиши)
5. Ўзгарувчанлик (янги белги ва хоссаларни пайдо бўлиши).
6. Ўсиш ва ривожланиши.
7. Таъсиrlаниш хоссаси (таъсиrlаниш – содда хайвонларда; ўсимликларда-тропизм; хайвонларда-рефлекслар).
8. Дискретлик хоссаси.
9. Яхлитлик хоссаси – (мураккаб тузилишни хосил қилиши)
10. Авторегуляция хоссаси (ўз-ўзини бошқариши)
11. Ритмийлик (даврийлик) хоссаси (тирик организмлар хамма қатори абадият қонунларига бўйсунади).
12. Очиқ энергия тизими эканлиги (ташқи мухитдан энергия олади).

Назорат саволлари

1. Ҳаётга хос бўлган белгиларни изоҳланг?
 2. Ерда ҳаёт пайдо бўлиши тўғрисидаги қайси гипотеза сизнингча ҳақиқатга яқин?
 3. Ҳаётнинг падо бўлишида фотосинтезнинг аҳамияти? Изоҳланг.
 4. Ҳаётнинг пайдо бўлишидаги энг муҳим араморфоз?

Сана

9-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Биогенезнинг асосий босқичлари ва уларниң тажрибада исботланишини ўрганиш

Машғұлот мақсади: Биогенез босқычларини билиш

Умумий тушунча: Биогеоценоз (bio+грек ge-ер ва ценоз) Ер юзасининг маълум қисмига ва унинг микро иклимига хос хусусиятлар, ернинг геологик тузилиши ва сув режимига мос равишда ўсимликларнинг ҳайвонот дунёси билан бўлган муносабати.

Ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги назариялар. Ҳаётнинг табиати, унинг пайдо бўлиши, тирик организмларнинг хилма хиллиги, уларнинг структуралари факат табиат фанларига эмас, балки фалсафага тегишли муаммо ҳисобланади. Бу муаммога муносабатига биноан олимлар идеалист ва материалистга ажратиб келинган. Идеалистлар ҳаётни ягона яратувчи, яъни олий интеллектнинг маҳсули сифатида қарашади. Материалистлар фикрича, оламдаги барча нарсалар ва

ходисалар моддий асосга эга бўлиб, ҳаёт табиий йўл билан умумий биологик қонуниятлар асосида юзага келган ва ривожланган.

Одатда трофик боғланишлар бир неча босқичдан иборат бўлади. Боиген миграцияда қатнашувчи организмларни учта босқичга яъни учта катта гурухга ажратиш мумкин.

1. Продуцентлар – ўлик моддалардан тирик моддаларни ҳосил қилувчилар. Булар, асосан фотосинтезловчи мураккаб ва тубан яшил ўсимликлардир.
2. Консументлар ёки истеҳмол қилувчилар. Продуцентлар ҳосил қилган органик моддаларни истеҳмол қиласди. Уларга ҳайвонлар, паразит ўсимлмк ва микроорганизмлар киради.
3. Редуцентлар – органик моддаларни минераллаштирувчилар, аввалги ҳолатига қайтарувчилар. Уларга бактериялар, замбуруғлар, сапрофит ўсимликлар киради. Ифодали килиб айтганда ҳаёт эстафетасини яшил ўсимликлар бошлаб ҳайвонларга узатади, уни бактериялар маррага олиб боради, яна қайтадан яшил ўсимликларга узатади. Янги ҳалқа бошланиб бу эстафета тинмасдан давом этаверади.

Мустақил топширик.

1. Биогеоценоз нима?
2. Босқичларини изоҳланг.
3. Бирор бир (мисол учун чўл) биогеоценоздаги трофик муносабатни кўриб чиқинг ва тушунтиринг.
4. Жадвални тўлдиринг

№	Кимёвий эволюция босқичлари	Биологик эволюция босқичлари

Продуцентлар	Консументлар	Редуцентлар

Сана _____

10-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Маданий ўсимликларнинг индивидуал ривожланиши ва улардан амалиётда фойдаланиш

Машғулот мақсади: Ўсимликлар онтогенезини ўрганиш

Умумий тушунча: Организмнинг индивидуал ривожланиши онтогенез дейилади. Ва бу давр уруғланган тухум ҳужайра зигота ҳосил бўлганидан организмнинг табиий нобуд бўлгунича бўлган даврни ўз ичига олади. Уруғланган тухум ҳужайранинг бир неча марта митоз бўлинishiдан сўнг янги организмнинг органлари, белги хусусиятлари ривожланади ва ниҳоят янги организм дунёга келади.

ОНТОГЕНЕЗ ОРГАНИЗМ ВА ТАШҚИ МУҲИТНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ НАТИЖАСИДА ШАКИЛЛАНГАН ТАРИХИЙ ЖАРАЁНДИР. БУ ЖАРАЁН ТАНЛАШ ВА ТАНЛАНИШ НАТИЖАСИДА ОРГАНИЗМ ГЕНОТИПИДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ. ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ИНДИВИДУАЛ РИВОЖЛANIШИ ГЕНОТИП АСОСИДА ТАШҚИ ШАРОИТ ТАЪСИРИ ОСТИДА АМАЛГА ОШАДИ.

Ҳамма организмларнинг индивидуал ривожланишини, яъни онтогенезни кетма-кет келадиган қўйидаги босқичларга бўлиши мумкин:

1. Эмбрионал ривожланиш босқичи
2. Постэмбрионал ривожланиш босқичи
3. Вояга етиш ва кўпайиш босқичи
4. Қарилек босқичи

Ёпиқ уруғли ўсимликларда онтогенез жараёни органагенез орқали ўтади. Органагенез генотип асосидаги аниқ ирсий дастур асосида ўтиб қўйидаги босқичлардан иборат: муртакнинг ривожланиши, уруғнинг шакилланиши, куртакнинг ривожланиши ҳамда барг, илдиз, поя ва генератив органларнинг пайдо бўлиши.

Топшириқ: Гулли ўсимликларда онтогенез келтирилган қўйидаги жадвални тўлдиринг.

№	Гулли ўсимликларнинг онтогенез босқичлари	Ривожланиш жараёнлари

Мустақил топшириқлар.

1. Маданий ўсимликлар индивидуал ривожланишининг типлари ва давларини аниqlанг.
 2. Организмларнинг индивидуал ривожланишини ўрганишда қандай методдан фойдаланасиз?
 3. Онтогенезни генетик дастурини тушуниринг
-
-
-
-
-

Сана

11-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Маданий ўсимликларнинг кўпайиш ҳиллари ва уларни амалиётда кўлланилиши.

Машғұлот мақсади: Маданий үсімліктернің күпайтириш усулдарини билады

Умумий тушунча: Маданий ўсимлилар жинсиз ва жинсий кўпаяди Маданий ўсимлиларнинг кўпчиликларини кўпайтириш асосан инсонлар томонидан олиб борилади.

Одатда чатишириш усуллари 3 хил бўлади:

1- эркин чанглатиши. Бунда она ўсимликнинг гули халтacha билан ёпилмайди. Бу эса атрофда ўсib турган барча нав ва хилларни чанги билан эркин равишда чангланади.

2-мажбурий чанглатиш. Бунда она ўсимликнинг гули бичилиб, халтacha билан ёпилади ва маҳсус танланган ўсимлик чангли билан чанглантирилар қайтадан халтacha билан ёпилади

З-Чекланган эркин чатишириш. Бундан она ўсимликнинг гуллари бичилгач, улар маҳсус танлаб олинган бир нечта навларнинг чанглари аралашмаси билан чанглантирилади.

Чанглантириш ишларининг сифатли амалга оширилиши ушбу ишнинг бажариш вақтига ҳам боғлиқ. Масалан, тұзада чанглантириш ишлари соат 11-12 ларда ўтказилади. Бунда чангларнинг ўсиш ва ривожланиш учун яхши шароит яратылған бўлади. Чатиштириш олиб борилған экин майдонларида агротехника шароитлари тўлиқ ва сифатли бажарилиши керак.

Маданий ўсимликлардан юқори ҳосил олиш, маданий ўсимликларни кўпайтириш учун инсонлар томонидан кўпайтириш ишлари олиб борилади.

1. Чанглар аралашмаси билан чанглатиш. Бунинг учун ота ўсимликнинг чанги бошқа бир нечта турларнинг (шу жумладан она ўсимликнинг) чанглари билан аралаштирилади. Бу усул ёрдамида И. В. Мичурин олма ва нокнинг ва бошқа экинлардан дурагайлар олган.

2. Воситали усул. Бу усул ёрдамида иккита чатишмайдиган тур ёки туркумлар аввал бошқа тур билан чатиштирилади. Масалан, Узок Шарқ ўрмонида ўсадиган ёввойи бодом бобовник маданий шафтоли билан чатишмайди. Уларни чатиштириши учун И. В. Мичурин ёввойи бодомни аввало А+Шда ёввойи ҳолда ўсуви Давид шафтолиси билан чатиштириб, олинган дурагай маданий шафтоли билан осон чатишади. Бунда Давид шафтолиси воситачи бўлиб хизмат қиласди.

3. Бошланғич вегетатив яқинлаштириш. Бу усул муаллифи И.В. Мичурин вояга етган, мева берадиган ўсимлик турининг шохига бошиқа тур она ўсимликнинг бир ёшли новдасини пайванд қилди. Пайвондуст пайвандтагнинг илдиз системаси ва барги ҳисобига яшаши таъсиридан 5-6 йил ичидә биологик жиҳатдан яқинлашиди.

4. Тарбиялаш усули. Наслсиз дурагай қаламчаси ота ёки она ўсимлик шохига пайванد қилинса, дурагай пайвандтаг таъсирида мева тугади.

5. Бекресс чатишириш. Дурагайнинг гулини ота ёки она ўсимликнинг чанги билан чанглатишга бекресс чатишириш деб аталади.

6. Реципрок чатиштириш усули. Бунда ота ва она сифатида иштирок этадиган ўсимликлар бир-бири билан ўрин алмашади.

7. Амфидиплоидия усули. ҳар хил организм геномлари диплоид хромасома йигиндисининг қўшилиши натижасида вужудга келадиган полиплоидия ҳолати аллополиплоидия дейилади. Аллополиплоид организмнинг геномлари икки марта ортирилса амфидиплоидия ҳосил бўлади. Бу соҳани ривожлантиришида Г.Д. Карпеченко самарали меҳнат қилган. У турп билан карамни чатиштириши учун амфидиплоидия усулидан фойдаланди.

Мұстакил топширик.

- ## 1. Күпайиш нима?

2. Табиатда маданий ўсимликлар инсон иштирокисиз қайси йўллар билан қўпаяди?
3. Кўпайиш хиллари?
4. Маданий ўсимликларни қўпайишнинг қайси тури билан сунъий қўпатирш авзал? Нима сабабдан.
5. Жадвални тўлдиринг

Гулли ўсимликлардаги қўпайиш жараёнлари

№	Номи	Хусусиятлари ва фарқлари
1	Микроспорангез	
2	Микрогаметогенез	
3	Макроспорогенез	
4	Макрогаметогенез	
5	Чангланиш	
6	Кўш уруғланиш	

№	Маданий ўсимликлар вегетатив қўпайиш хиллари	Мисоллар	Қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти

Сана _____

12-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Биосферага антропогенезнинг таъсирини ўрганиш

Машғулот мақсади: Табиатдан оқилона фойдаланишни билиш

Умумий тушунча: Биосфера (юнонча биос – хаёт, сфера – шар сўзларидан олинган) тушунчаси фанга биринчи марта австриялик геолог олим Э.Зюсс томонидан тирик организмлар яшайдиган ер қобиғини белгилаш мақсадида киритилган. Биосфера хақидаги таолимотни рус академиги В.И. Вернадский яратган ва ривожлантирган. Биосфера - тирик организмлар яшайдиган ва уларнинг таосирида тинмай ўзгарадиган ер шари қобиғининг бир қисмидир. Ердаги хамма биогеоценозларнинг йиғиндиси умумий экологик

система – биосферани хосил қиласы. Шундай қилиб, биосферанинг элементар (энг кичик) бирлиги биогеоценозалар хисобланади. Биосфера тирик ва ўлик таркибий қисмлардан иборат. Сайёрамизда яшайдиган хамма тирик организмларнинг йиғиндиси биосферанинг тирик моддасини ташкил этади. Тирик организмлар, асосан Ернинг газсимон (атмосфера) суюқ (гидросфера) қаттиқ (литосфера) геологик қобиқларида жойлашган. Биосфера энергияни ташқаридан – қүёшдан олгани учун очиқ система хисобланади. Тирик организмлар моддалар даврий айланишини ирода қилиб, сайёранинг юзасини ўзgartирувчи кучли геологик омил хисобланади. Тирик модданинг функциялари. Тирик модданинг қуидаги асосий биокимёвий функциялари мавжуд:

1. Газ алмашиниши; 2 Оксидланиш қайтарилиш; 3 Концентрациялаш жамғарыш;
4. биокимёвий.

Мұстақил топширик.

- 1.Биосфера нима?
 2. Биосфера чегаралари?
 - 3.Жадвални түлдириңг?

Биосфераға инсоннинг таъсири

Ижобий	Салбий

Сана

13-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Микроскопнинг тузилиши ва хиллари, улар ёрдамида ирсиятнинг моддий асосини ўрганиш

Машғулот мақсади: Микроскопнинг тузилиши ва ҳилларини билади ва микроскоп ёрдамида хужайранинг тузилиши билан танишади.

Умумий тушунча: **1. Коронғи майдонли микроскопда** күриш. Бу микроскопнинг тузилиши ва унда препаратларни күриш принципи ёруғ майдонли микроскопдаги билан деярли бир хил бўлиб, у тирик ҳужайра ва тукима тузилмаларини ўрганишга мўлжалланган. Унда ҳужайрани коронғи майдонда күриш маҳсус конденсор ёрдамида амалга оширилади, яъни ёруғлик нури конденсор орқали объектга қиялатиб туширилади. Бунда объект (препарат) ёришиб, майдон коронғилигича қолади. Тирик ҳужайра таркибидага тузилмалар яхши кўриниши учун объектга тушаётган ёруғлик

нури хил оптик қалинлиқда бўлиши шарт. Мазкур микроскопда бўялган ёки бўялмаган тирик хужайраларни, бактерия ва структураларни тадқиқ этиш анча қулай.

2.Фазали контрас микроскопда кўриш. Бўялмаган тирик хужайралар, одатда ёруғлик нурини тутиб қолмасдан, ўзидан ўтказиб юборади. Шунинг учун улар микроскопда кўринмайди ёки англаб бўлмас даражада кўринади. Уларни кўриш учун тегишли бўёклар билан бўяшга тўгри келади. Фазали контраст микроскопия усули ўрганилаётган бўялмаган тизилмаларнинг бизга зарур бўлган контрастлигини таъминлайди. Контрастликни, одатда, объективдаги фазали пластиинка деб аталадиган конденсорга ўрнатилган маҳсус халка - диафрагма ҳосил қиласди. Объектни қанча яхши кўриш нурнинг қанча синишига боғлик ёруғлик нури объектдан қанча тез ўтса, унинг ёритилиши, демак, контрастлиги шунча ортади, бинобарин, хужайра тузилмалари ҳам шунга яраша яхши кўринади.

3.Интерференцион микроскопда кўриш. Мазкур микроскопда кўриш усули фазали контраст микроскопда кўришга ўхшасада, унга нисбатан кўпроқ имкониятга эга. Масалан, унинг ёрдамида бўялмаган тирик хужайраларнинг аниқ тасвирини ва уларнинг қуруқ вазнини (массасини) аниқдаш мумкин. Бундан ташкари, бу усул ёрдамида хужайраларнинг қалинлигини, таркибидаги қуруқ моддаларнинг зичлигини, шунингдек сув, некулеин кислоталар, оқсил ва ферментларнинг микдорини билиш мумкин. Интерференцион усулида бўялган препаратларнинг ядроси, одатда қизилга, цитоплазмаси эса зангори рангга бўялади.

4.Люминесцент (ёки флюорецент) микроскопда кўриш. Люминесценцияда катор моддаларнинг атомлари (молекулалари) қисқа тўлқинли нурланиш ютар экан, у қўзғалган холатга келади. Уларнинг қўзғалган холатдан нормал холатга ўтиши эса ёруғликни катта тўлқин узунлигига тарқатиб юбориш хисобига бўлади. Бинобарин, препарат унга нур таъсир қилиш вақтида ҳосил бўлган энергия хисобига нурланади, яъни флюресценцияланади>


Ультрабинафша нурли микроскопда кўриш. Бу микроскоп линзалари кварцдан ясалган бўлиб, у фақат ультрабинафша нурларини ўтказади. Бу микроскопда кварцдан ясалган буюм ойнаси ва ёпкич ойналар ишлатилади. Ультрабинафша нурли микроскопда кўриш хужайрани чукурроқ ўрганишга имкон беради.

Поляризацион микроскопда кўриш. Бу усул хужайра ва тўқималарнинг анизатроп ёки икки хил нур синдирувчи тузилмаларини ўрганиш учун ишлатилади. Бу микроскоп билан тузилмалардаги молекулаларнинг жойланишини ўрганиш мумкин ва хужайралар струкраси аниқланади.

Бу микроскоп хужайра бўлиниши, хромосомалар ва органоид тузилишини Ўрганишда ҳам қўл келади.

Электрон микроскопда кўриш. Цитологик препаратларни электрон микроскопда ўрганиш хозирги вактда кенг тарўалган усул бўлиб, унинг ёрдамида хужайраларнинг нозик тузилмалари, органоид ва хужайра киритмаларнинг тузилиши ҳамда улар да содир буладиган нозик ўзгаришлар кузатилади. Электрон микроскоп 1000000 марта ва ундан ҳам ортиқ, катталашибади. Чунки электрон микроскопда ёрғлик микроскоп каби узун тўлқинли нурдан эмас, балки қисқа тўлқинли электронлар нуридан фойдаланилади. Бинобарин кузатмоқчи бўлган объект тасвири электрон нури ёрдамида кўрсатилса, бундай прибор электрон микроскоп дейилади. Оддий микроскопда хайвонлар тўқимасиншг микроскопик тузилишини ўрганиш учун кесмаларнинг (препаратлартинг) қалинлиги тахминан 3-5 микрон (мк) бўлиши керак. Бундан қалин бўлса, хужайралар қавати ортиб кетиб, объективнинг тасвири кўринмайди, Электрон микроскопнинг афзалиги шундаки, тўқималардан олинадиган кесма анча юпқа (0,02мк) бўлади. Оддий микроскопда объективнинг қалинлиги, яъни хужайра ёки ядроларнинг йирик-майдали диаметри "микрон"да ўлчанса, электрон микроскопда "нанометр" билан аксари холларда эса "ангстрем" (А) билан ўлчанади. Хозирги вактда электрон микроскопининг янги- янги турлари яратилмокда. Масалан, хажмий (расталовчи) электрон микроскоп шулар жумласидандир. Унинг ёрдамида препаратларнинг хажмий тузилиши ўрганилади.

Ёруғлик микроскопи күриниши.



Керакли материаллар: микроскоп, плакатлар, доимий ва вақтингчалик препаратлар

Ишлаш тартиби: Микроскопни күздан кечириңг. Микроскопни қисмлари билан танишиңг. Микроскоп расмини расм дафтарингизга тушириңг. Доимий ёки вақтингчалик препаратлар орқали хужайрани кузатинг кўрганларингизни расм дафтарга тушириңг.

Назорат саволлари

- 1.Микроскопни ким қачон кашф қилған?
 2. Микроскоп термини ким томонидан киритилди?
 - 3.Микроскоп турлари?
 4. Хужайранинг тузилиши ва органоидлари?

14-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Хромосомалар морфологиясини ўрганиши

Машгулут мақсади: *Хромосомалар түзилиши, вазифалари ва аҳамиятини билиш.*

Умумий тушунча: Хромосомаларни бўлинаётган ҳайвон ҳужайраларида 1882 йилда Флемминг ва ўсимлмк ҳужайраларида Страсбургер томонидан аниқланган. Хромосома номини 1888 йилда уларнинг бўялиш хусусиятига қараб Вальдайер берган.

Хромосомалар морфологиясини ўрганишнинг энг қулай вақти бўлинишнинг метафаза даври охири ва анафазанинг бошидир ,чунки бу даврда хромосомамаксимал спираллашган бўлиб яхши кўринади. Лекин аниқланишича хромосомаларнинг конденсацияси телофазагача амалга ошади. Бу уларни узун ДНК молекуласи ҳужайралар орасида тўсиқ хосил бўлаётганда шикастланишдан сақлар экан.

Хромосома танасини иккига бирламчи белбоғи ажратади. (центромера) Унинг жойлашишига қараб: 1. метацентрик-тенг елкали 2. субметацентрик –нотенг елкали ва 3. акроцентрик хромосомалар ажратилади .

Хромосоманинг таркибий қисмлари

Центромера ёки кинетохор хромосоманинг муҳим таркибий қисми бўлиб 1937 йилда К.Дарлингтон томонидан шундай номланган. Бу ерда тубулин полимеризацийланиб бўлиниш дуки микронайчалари ўсиб чиқади ва хромосомани кутбларга тортади. Центромерада ДНК занжирининг бурами чўзиқроқ бўлганлиги учун центромерада хромосоманинг бошка жойларга қараганда оч бўялади. Центромерада 3 та зона фарқланади: ўрта кинетохор участкасига хромосомалар бирикади, 2та чекка қисми хроматидларни бириктиради. Одатда хромосомаларда битта центромера бўлади-моноцентрик лекин дицентрик ва полицентрик хромосомалар ҳам учрайди.

Иккиламчи белбоғ.

Улар одатда хромосомаларнинг учки (теломер) қисмларга яқин жойда жойлашади ва ядрочаларнинг хосил бўлишида иштирок этади. Шунинг учун улар ядроча хосил қилувчи марказёки нуклеоляр зона дей..

Иккиламчи белбоғда ядрочадаги р-РНК син-тезини ва унинг етилишини бошкарувчи генлар жойлашган булади.

Айрим хромосомаларда иккиламчи белбоғи хромосома теломерасига яқин жойлашган булади. Бу ерда ДНК занжирининг ўрами анча узун бўлганлиги учун теломера хромосомадан анча узокда жойлашиб, йулдош хосил киласди. Йўлдошли хромосомалар SAT хромосомалар дей Sine Acido Thymonucleico яъни нуклеин кислотасиз дегани лекин бу ҳақиқатдан йироқ чунки йўлдошни хромосома танасига бириктириб турувчи ип таркибида ДНК топилган.1912 йилда С.Г.Навашин аниклаган.

Теломера - хромосоманинг охирги қисми бўлиб, хромосомаларнинг мустақиллигини ва бутунлигини таъминлайди.

Хромосоманинг узилган қисмлари бир-бири билан осонгикча бирлашиши мумкин. Лекин теломера қисмлари бир-бири билан хеч қачон бирлашмайди. Теломера ДНКнинг кичик тақрорланиб келувчи кетма кетликлари бўлиб, тахмин қилинишича ўзида ген сақламайди. Теломерлар “ўлим маркерлари” Улар хромосоманинг учидаги бўлганлиги учун аста-секин емирилиб хромосомани мутациялардан сақлайди. Ҳар бир бўлинишдан кейин теломер узунлиги қисқариб боради, химоясиз қолган Хромосомалар ўзаро ёпишиб, ген информация аралашади ва ҳужайра нобуд бўлади. Рак ҳужайралари ўзларини ўлимдан химоя қилишни ўрганганлар. Уларда маҳсус механизм мавжуд бўлиб теломералари емирилмайди.

Митотик хромосомалар матрикси.

Матрикс хромосоматанасини ўраб олади,таркиби РНК дан иборат. Митоз давомида матрикс метафазадан бошлаб шаклланади. Телофаза охирида матрикс хромосомалар атрофида гранулалар кўринишида тўпланади. Демак матрикс митотик хромосомаларнинг грануляр ва фибрillляр тузилмаси. Матрикс маҳсулотлари интерфазада синтезланади.

Хромосоманинг узунлиги буйича унинг ирсий жихатдан фаоллиги бир хил эмас, хромосомаларни махсус буёқдар билан буялганда, унинг айрим кисмлари тук; буялиб, бошка кисмлари эса оч буялади, яъни гетерохроматин ва эухроматин хосил қиласи.

Гетерохроматин қисмида хромосомалар қаттиқ спираллашгани учун тўқ бўялади бу ерда асосан ноактив генлар жойлашган.

Эухроматин қисмида эса фаол генлар жойлашади ва бу ерда хромосомалар спираллашиши бўшроқ бўлади. Шунинг учун оч бўялади.

Гетерохроматин участкалари теломерлар, центромерларалар, ядроча маркази атрофига учрайди.

Структуравий ва факультатив гетерохроматин ажратилади. Факультатив гетерохроматин вақтингчалик конденсация холатига ўтади, бунда унинг юзасида синтез жараёнлари тўхтайди. Лекин бу холат вақтингчалик бўлиб функционал фаоллиги тикланганда яна эухроматинга айланади.

Структуравий гетерохроматин бундай холатга ўтмайди. Унда хеч қандай синтез жараёнлари бормайди.

Гетерохроматининг баъзи бўлаклари ядро ички мембраннысида жойлашади. Унинг бу алоқаси шунчалик мустахкамки центрифугалаш натижасида ҳам узилмайди. Боғланишлар ядро поралари жойида йўқ.

Хромосомаларнинг узунлиги 0,2-5,0 мкм, эни 0,2-3,0 мкм булиши мумкин. Айрим хашорот ва амфибияларнинг хромосомалари йирик, замбуруг ва сувутларининг хромосомалари эса майда булади. Одам хромосомаларининг катталиги 1-10 мкм га тенг.

Ҳужайрадаги барча хромосомалар йифиндиси хромосом тўплами дейилади. “2хил тўплам фарқланади – гаплоид ва диплоид.

Кариотип


Турнинг хромосомалар сони, уларнинг тузилиши, центромера жойлашиши, эухроматин ва гетерохроматин қисмларининг жойлашиши ҳаммаси биргаликда тур кариотипини хосил қиласи. Ўзаро яқин турлар ҳам кариотипи бўйича фарқ қиласи.

Кариотип хар бир тур учун доимий булиб, шу турнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Кариотипда аутосомалар ва жинсий хромосомалар алоҳида кўрсатилади. Масалан, одамнинг соматик хужайраларида кариотип 23 (2п) хромосомалар тўпламида бўлиб, аутосомалари 22 (2п), жинсий хромосомалари ёки гетеросомалари XX ва XV кўринишда бўлади.

Жуда яқин турлар ҳам хромосомалар тўплами билан фарқ қиласи. Бу фарқ 1 хромосома сони ёки ўлчами шакли жихатидан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун кариотип таксономик белги ҳисобланади.

Хромосом анализ амалиётида яна бир метод қўлланила боўланди. Бу хромосомаларнинг дифференциал бўялиш усули. Хромосомалар флюхром бўёғи билан бўялганда микроскоп остида улар юзасида йўл-йўл чизиқлар пайдо бўлади. Бу чизиқлар хар бир хромосома учун муйан бўлиб тақрорланмасдир, худди бармоқ излари сингари. Ташқитузилиши жихатидан бир хил бўлиб кўринган хромосомалар дифференциал бўялгандан кейин бир-биридан бутунлай фарқ қиласи. Бу усул одам хромосомаларини синчиклаб ўрганишга ёрдам берди. Цитологик анализнинг бу усули одам хромосолари хариталарини туза бошлашга яъни генларнинг жойлашган жойини аниқлашга асос солди. Одам хромосомалари уларнинг ката кичикилигига караб 7 та гурухга аж-ди. Ташқи тузилиши жихатидан 1-2 чи жуфт хромосомалари йирик 19-20 чиси майда, 13 чи жуфт хромосома акроцентрик эканлигини кўриш мумкин. Лекин дифференциал бўяш усули ёрдамида хатто битта гурухга кирувчи хромосомалар орасида ҳам фарқ борлиги маълум бўлди.

Аёлларда XX ва эркакларда XУ бўлиб генлар нисбати 78га (эркакларда) 1098 та, нуклеотидлар сони 23 млнга (эркакларда) 160 млн. Эркакларнинг турли касалликларга беришувчанлиги, аёлларга нисбатан улар хромосомалари орасидаги фарқ ҳисобланади. Чунки аёллардаги битта X хромосомасидаги бузилишлар 2 чи худди шундай хромосома ҳисобига тикланади.



Хромосоманинг тузилиши ва типлари. А-ташқи кўриниши, 1-сентромера(бирламчи белбоғ); 2-кичик елка; 3-катта елка; 4-иккиламчи белбоғ; 5-йўлдош; В-ички тузилиши. 1-иентромера; 2-хромонемалар Д-хромосома типлари: 1-акросентрик, 2-субметасентрик; 3-метасентрик.
Керакли материаллар: микроскоп, хромосомали плакатлар, доимий ва вақтингачалик препаратлар (хромосоманикни)

Ишлаш тартиби: Доимий ёки вақтингчалик препаратлар орқали хромосомани ўрганинг ва расм дафтарга туширинг.

Назорат саволлари

- 1.Хромосомани ким қаңон кашф қилған?
 2. Хромосома қисмлари?
 - 3.Хромосома турлари?
 4. Хромосома орқали пайдо бўладиган касалпиклар?

Сана

15-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Ҳужайранинг митоз бўлинишини ўрганиш

Машғұлот мақсади: Ҳужайранинг митоз бүлиннишини ўрганиши

Умумий түшүнчә: 1 чи марта хужайралардаги ядронинг бўлинишини 1874 йилда И.Д.Чистяков аниқлаган. Митоз түшүнчасини биринчи марта 1882 йилда Флемминг кўллаган.

Бўлиниш циклига кирган ҳужайраларда митоз даври кўп вақтни эгалламайди. Масалан: илдиз меристемаси ҳужайраларида интерфаза 16-30 соат митоз 2-3 соат дав-эт. Ичак эпителийиси ҳужайраларида интерфаза 20 соат митоз 1 соат давом этади. Тухум ҳужайранинг майдаланиши босқичида бутун ҳужайра цикли 1 соатга бормайди.

Митоз күйидаги фазалардан иборат: профаза, метафаза, анафаза, телофаза. Фазалар орасида аниқ чегара йўқ. Чунки митознинг ўзи силлиқ кечади. Фақат анафазанинг бошини аниқлаш мумкин(?)

Профаза. Унга интерфазадаги G2 даврни ўтган хужайралар киради. Улар репликациядан кейин 4cДНК микдорига эга.

Профаза бошида ядрода ингичка иплар-профаза хромосомалари кўрина бошлайди. Улар конденсацияланади башлаб транскрипцион фаоллиги сусаяди. Профаза мобайнида хромосомалар қисқарбай йўғонлашади.

Профаза хромосомалари иккиланган лекин 2 та хроматидлар бир-бирига шундай зич бирикадики 1 та бўлиб кўринади. Демак хромотидалар сони ДНК миқдорига тенг.4н-4с.

Хромосомалар конденсацияланishiга параллел равишда ядрочанинг йўқолиши ва ядро қобиғининг эриши кузатилади: ядро поралари йўқолиб, ядро қобиги аввал фрагментларга кейин майда мембрана пуфакчакларига айланади.

Митоздаги ядрочанинг роли ҳакида турли олимларнинг фикр мавжуд. Баъзилан ядроча эриб кетиб унинг моддаси хромосомалар билан бирга қиз хужайраларга тақсимланадидеб ҳисоблайди, баъзилар ядроча бўлинеш дукини ҳосил қилишда иштирок этади дейди ёки ядроча компонентлари ядро ва цитоплазма ўртасидаги моддалар алмашинувида иштирок этади.

ГЭР ҳажмининг кичрайиши кузатилади. У калта цистерна ва вакуолаларга парчаланиб юзасидаги рибосомалар сони камаяди.

Митознинг яна бир мухим ходисаси- бўлинеш дукининг ҳосил бўлиши ҳам профазада кузатилади. Бўлинеш дуки центриолалар ёки улар иштирокисиз ҳосил бўлади.(ўсимликларда)

Профазада S даврда дупликацияга учраган центриолалар ҳужайранинг 2 қутуби томон харакатланади. Ҳар бир қутубга 1 тадан диплосома боради. Улар орасида микронайчалар шаклланади.

Эрта профазада конденсацияланётган хромосомаларнинг центромера участкаларида кинетохор қисмлари кўрина бошлайди. Бу жой билан бўлинеш дуки микронайчалари бирикади.

Профаза ядро қобиғининг эриб кариоплазма билан цитоплазма аралашиб кетиши билан тугайди.

Метафаза.

Бўлинеш дукининг шаклланиши тугайди ва хромосомалар экваториал чизиқда тўпланадилар.

Эрта метафаза-прометафазада хромосомалар ҳужайра марказида олдинги ядро ўрнида нотекис ётадилар. Уларнинг хаотик харакати кузатилади.

Метафаза давомида Хромомсамалар ҳужайра экваторида бир чизиқда тизилиб метафаза пластиинкасини ҳосил қиладилар. Пластиинкада йирик хромосомалар ҳужайранинг чеккаларида майдалари ҳужайра марказида жойлашади. Бу фазада хромосомалар максимал қисқарган бўлиб улар сонини санаш ва морфологиясини ўрганиш қулайдир. Метафаза митознинг тиним даврихи-собланади чунки бу вақтга келиб Хромомсамалар харакати тўхтайди. Кечки метафазада Хромосомалар харакатдан тўхтаб бир текис ётадилар: уларнинг центромера участкалари дукнинг марказига, елкалари ҳужайра периферик қисмига қараган бўлади. Хромосомалар таркибидаги хроматидлар бир-биридан ажралади. Улар орасида фақат центромера участкасида боғланиш сақланади. ,шунинг учун X кўринишига эга бўлади.

Анафаза

Тўсатдан бошланиб,хроматидлар орасидаги центромера боғлари узилиб бир-биридан ҳужайранинг 2 қутби томон тез харакат қила бошлайдилар. Анафаза- митознинг энг қисқа фазаси. Хромосомалар V кўринишига эга бўлиб унинг бўлинеш қутбларига елкалари бўлинеш марказига қаранган бўлади. Центромерадаги кинетохор участкалари хромосомалар харакатини бошқаради. Бу харакаттортувчи ипларнинг қисқариши натижасида юзага келади. Анафаза охирида бўлинеш дуки зичлашиб экватор чизигида тўпланади ва фрагмопластни ҳосил қиласи.


Телофаза.

Х.ларнинг қутбларга тортилиб бўлгандан кейин бошланади. Эрта телофазада хромосомалар деконденсацияланадилар ва хажмлари ортади. Уларнинг цитоплазмадаги пуфакчаларга тегиб турган жойида ядро мемранаси ҳосил бўла бошлайди. Ядро қобиги тиклангандан кейин хромосомаларнинг SAT зоналаридан ядроча шаклланади.

Бўлинеш дукибузилиб унинг моддалари ҳужайра экваторида фрагмопластни ҳосил қилиб ундан ўз навбатида янги Плазматик мембрана элементлари ҳосил бўлиб, 2 та ҳужайра орасида тўсиқ ҳосил қиласи.

ЭР элементлари анафазада ҳужайра экваторига жойлашиб бу ерда зич ўрамни хосил қилади ва қиз ҳужайраларнинг орасида тўсиқ хосил килишда иштирок этади

Телофазанинг энг муҳим ходисаси- цитокинез. Ўсимликларда ҳужайра ичида тўсиқ хосил бўлиши билан боради. Ҳужайра марказида ЭР элементларидан тузилган фрагмопласт хосил бўлади. ЭР элементлари пектин моддасини синтезлай бошлайдилар у пулфакчалар кўринишиди ҳужайра марказида тўпланиб чеккарларга қараб тортилади. Вакуолалар қўшилиш пластинкани хосил қилади. Плазматик мембрана нинг пластинка тегиб турган жойлари узилиб. Плазматик мембрана пластинка билан қўшилиб янги мембранани хосил қилади.



16-расм. Митоз фазалари. 1. профаза; 2. прометафаза; 3. метафаза; 4. анафаза; 5. телофаза.

Ҳайонларда Плазматик мембрана нинг ичкарига ботиб кириши билан б. Плазматик мембрана нинг ичкарига ботиб кириши ҳақида “қисқарувчи ҳалқалар” гипотезаси мавжуд. Унга асосан ҳужайранинг кортикал қатламида Плазматик мембрана нинг остида мушак ҳужайраларидағи фибрилл толаларига ўхшаш тузиммалар жойлашган бўлиб уларнинг қисқариши Плазматик мембрана нинг ичкарига ботиб киришини таъминлайди.

Митоз ҳар доим ҳам цитокинез билан тугамайди. Баъзи ҳужайраларда(эндосперм) бир неча марта бўлинеш цикли такрорланиб цитокинез рўй бермаганлиги учун йирик кўп ядроли кхужайралар хос. бўлади.

Ҳужайра ва ядро бўлинишини стимулловчи факторларга ДНК , РНК ва оқсилларнинг фаол синтези, ташқи мухитнинг ижобий таъсири, моддалар алмашинуви жараёнининг юқори даражада бўлиши киради. Митозни тормозловчи факторларга хароратлик шоклар, захарли моддалар наркотиклар киради.

Митоз бутун ҳужайранинг бўлиниши бўлгани учун ҳужайранинг хамма компонентларибунда иштирок этади. ЭР мембраналари майда элементларга, ГА алоҳида диктиосомаларга ажралади. Ҳужайра маркази микронайчалар билан тўлгани учун ҳужайра компонентлари ва органоидлари чекка қисмларга суриладилар. Ҳужайра бўлингандан кейин органоидлар пассив равишда 2 та ҳужайра тақсимланадилар.

Керакли материаллар: микроскоп, митознинг расм плакатлари, доимий препаратлар.

Ишлаш тартиби: Доимий препаратлар ва плакатлар орқали митозни ўрганинг ва расм дафтарга туширинг.

Ишни бажариш тартиби

Ушбу ишни ҳар бир талаба мустақил бажаради. Ишни бажаришда талаба шу ишга доир услубий кўрсатма жадвал ва тайёр доимий препаратлардан фойдаланиб қуйидаги саволларга жавоб берадилар ва расм чизиш ишларини бажарадилар.

1. Соматик ҳужайралар митоз бўлиниши акс эттирилган жадвалга қараб ҳар бир

фазани расмини алоҳида чизиш ва микроскопда доимий препаратни кўриб таққослаш.

2. Талабалар тоза илдизчасидан ўзлари препарат тайёрлаб митоз бўлинши фазаларини микроскопда кўриб ўрганади.

Бунинг учун ғўза чигитини петри ликопчасига намланган фильтр қофоз устига бир қатор териб термостатга қўйиб, 30 °С температурада 2-3 сутка давомида ўстирилади. Униб чиққан илдизларни 5-7 мм катталикада кесиб олиб карануа аралашмасига. (3 қисми 90°С спирт ва бир қисм сирка кислотаси) фиксация қилинади. Бу аралашмада илдизчаларни бир соатдан 12 соатгача сақлаш мумкин. 12 соатдан кейин илдизчаларни тоза 96 % ли спирт билан ювиб маҳсус тайёрланган ацетоорсеин бўёги билан бирга тиглчага солиб спиртовкада қайнагунча қиздирилади. Препарат тайёрлаш учун бир дона илдизчани предмет ойнасига олиб учки қисмидан 1-2 см кесиб олинади. Устига қоплағич ойнаси ёпиб, устидан гугурт чўпи билан аста эзилади. Бунда ҳужайралар алоҳида бир қатор бўлиб ажралади. Тайёр бўлган препаратни микроскопга ўрнатиб аввал 8 номерли кейин 40 номерли обектив ёрдамида митоз бўлиниш фазаларини кўриш мумкин

Ацетоорсин эритмасини тайёрлаш

1 гр арсеин кукунини аввал қиздирилган уксус кислотасида эритилади кейин совитилган аралашма устига 55 мл Н₂0 қуйилади.

Материал ва асбоб ускуналар

1. Ёруғлик микроскопи
 2. Митоз бўлиниши фазалари ёритилган жадвал, доимий препарат.
 3. Вактли препарат тайёрлаш учун асетооресин билан бўялган илдизчалари.
 4. Музлатгич, термостат

Назорат саволлари

- 1.Митозни ким қачон кашф қилған?
 2. Митозт фазалари?
 - 3.Хромосома турлари?
 - 4.Митознинг биологик аҳамияти?

16-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ МАВЗУ: Ҳужайранинг мейоз бўлинишини ўрганиш

Машгулот мақсади: Ҳужайранинг мейоз бўлинишини ўрганиш

Умумий тушунча: Оталаниш натижасида ота-она ҳужайра ядроларининг қўшилишидан зиготадаги ДНК в хромосомалар сонининг ортишига олиб келади. Демак хромосомалар сонини камайишига олиб келадиган механизм мавжуд бўлиши керак. Бў механизим жинсий ҳужайраларнинг етилиш жараёнида содир бўладиган редукцион бўлиниш –мейоздир.

Бу бўлиниш натижасида жинсий жараёнда қатнашувчи гаметалар хосил бўлади. 2 та гаплоид гаметаларнинг қўшилиши натижасида уруғланишдан кейин диплоид зигота хосил бўлади. Бу бўлинишда митоздан фарқли равишда ҳужайралар нинг 2 марта кетма —кет бўлиниши кузатилади, хромосомаларнинг микдори эса факат 1 марта ошади. Бундан ташқари мейоз бўлинишида ирсий ахборотнинг рекомбинацияси, гомологик хромосомаларнинг ўзаро қисмлари билан алмашиши (кроссинговер), биринчи бўлиниш профазасида транскрипциянинг активлашиши ва 2 та бўлиниш орасида интерфазаси бўлмаслиги кузатилади.

Ҳар қандай организмнинг ривожланишида 2 турдаги ҳужайраларни учратиш мумкин. Улардан бири гаплоид тўплам хромосомали бўлиб оталаниш жараёнида иштирок этади, 2 чиси диплоид тўпламли бўлиб, 2 та отаона хромосомаларни тутади.

Организмлар ҳаёт циклини 2та гаметанинг қўшилишидан бошлаб то шу организмнинг ўзида яна янги ҳужайралар пайдо бўлиш вақти оралигини кўрадиган бўлсак 2 хил фазанинг гаплофаза ва диплофазанинг галланиб келишини кўриш мумкин. Бу фазаларнинг организмлар ҳаёт циклида эгаллаган ўрнига қараб 3 турдаги мейоз фарқланади: зиготали, гаметали, оралиқ.

- Зиготали мейоз уруғланишдан сўнг зиготада кечади. Замбуруғ ва баъзи сувўтлари учун хос. Буларнинг ҳаёт циклида гаплофаза устунлик қиласди. Масалан: хламидомонада сувўти ҳаёт цикли деярли факат гаметофит фазасидан иборат бўлиб спорофит фазаси қисқа вақтни эгаллайди.
- Гаметали мейоз гаметалар етилишида содир бўлади. Кўп ҳужайрали ҳайвонлар ва содда организмларда учрайди. Буларнинг ҳаёт циклида диплофаза устунлик қиласди. Гаметалар қўшилгандан кейин диплоид зигота хосил бўлади. У бўлиниб организмдаги хамма диплоид ҳужайраларни хосил қиласди. Бирламчи жинсий ҳужайралар редукцион бўлинишга учраб гаплоид ҳужайралар хосил бўлади. Буларнинг қўшилишидан диплоид зигота хосил бўлади.
- Оралиқ ёки спорали мейоз юксак ўсимликларда учрайди. Споралар хосил бўлиш вақтида , яъни спорофот ва гаметофит фазалари орасида содир бўлади.

Предмейотик интерфаза митознинг интерфазасидан фарқ қилиб ДНК репликацияси жараёни охиргача ўтмайди. ДНК нинг 0,3-0,4 фоизи мейоз профазасида репликацияланади.

1. Лептонема - ингичка ип боскичи:

2. Зигонема - жуфтланиш боскичи:

3. Пахинема - коньюгация ва зичлашув боскичи:

4. Диплонема - буралган ип боскичи:

5. Диакинез - харакат боскичи.

ЛЕПТОНЕМА боскичи хромосома спираллари максимал ёзилиб кетади. Улар ингичка иплар холида яхши куринади. Бу ипларнинг давомида шарсимон йугонлашган хромосомалар моновалентлар дейилади.

Буларнинг умумий сони турнинг диплоид хромосома сонига teng булади.

ЗИГОНЕМА боскичида коньюгация хосил булади. Гомологик хромосомалар жуфт-жуфт булиб, бир-бири билан якин жойлашади.

Сунгра улар бир-бирига зичрок епишиб келади ва бир хил участкалари билан тутушади. Гомологик хромосомаларнинг бивалентлари шу тартибда хосил булади.

ПАХИНЕМА боскичида хромосомалар коньюгацияси тугайди. Хромосома жуфтлари яхши куринади. Уларнинг турта хроматидалардан тузилганлиги куриниб, хар бир хромосома

икки баровар ортгани кузатилади. 4та хроматиднинг якин жойлашган жуфтлари бири икинчиси атрофида чирмаша бойшлайди. Дания олими Янсенс айтишича, хроматидалар бир-бири атрофида чирмашаетганда узилиб кетиши мумкин. Хроматиднинг узилган жойлари бошка хроматиданинг учига ушланиб колиб комбинациялашган хроматидалар хосил булиши мумкин.

Бир-бирига чирмашган хромосомаларнинг ёпишган жойларига хиазма дейилади.

ДИПЛОНЕМА боскичида коньюгацияда турган бивалент хромосомалар бир-биrlаридан ажралиб кета бойшлайди. Хромосомаларнинг бир-биридан ажралиши центромарадан бошланади. Лекин ажралиш охирига етмайди, чунки хроматидалар бир хромосомалардан 2 хромосомаги утиши натижасида бир-бирига чирмашган булади. Хромосомалар бод хосил килади.

ДИАКИНЕЗ боскичида бивалентлардаги хромосомалар кучли кискаради. Хроматидалар энг куп буралади ва йугонлашади. Тетрада боскичида хар жуфт хроматида битта центромерага бириккан булади. Жуфт хромосомалар бир-бирини итаришиб ядрода бир текис жойлашади. Шу билан мейознинг профаза 1-даври тугайди.

Прометафаза 1 спирализация максимумга етади. Ядро қобиги эрийди. Бивалентлар хужайра экваторида тўпланади.

Метафаза 1 митотик аппаратнинг шаклланиши тугатилади ва хромосомалар бўлиниш дуки экваторида бир чизиқ бўйлаб жойлашади. Гомологик хромосомаларнинг центромералари 2томондаги қутбларга қараган бўлади. Центромералар бир-биридан итариилганлиги учун хромосомалар ажралишга тайёр турадилар.

Анафаза 1. 2 та гомологик хромосомалардан тузилган бивалентлар бир биридан ажралиб хромосомалар 1 тадан хужайранинг 2 қутбига тортилади. Ҳар бир хромосома 2 тадан хроматиддан тузилган бўлиб центромера билан бириккан бўлади. Анафазадаги ажралган хромосомалар таркиби жихатидан ота-она хромосомаларидан фарқ қиласи чунки кроссинговерга учраган бўлади.

Телофаза 1. хромосомаларнинг 2 та қутбларга тортилиши тутагандан кейин бошланади. Бир оз вақт хромосомалар конденсацияланган холатда сақланади, шундан кейин қисқа вақт давом этадиган интерфаза келади ва хромосомалар деспирализацияга учрамайди. Агар 1 чи бўлинишдан кейин узоқ давом этадиган интерфаза келса, хромосомалар деспирализацияга учраб хужайра девори билан ажратилган 2 та ядро хосил бўлади.(хужайралар диадаси).


Мейознинг 2 чи бўлиниши. Диадаларнинг ҳар бирида кечади. Қисқа профаза 2 дан кейин бўлиниш дуки шаклланади.

Метафаза 2. 2 та хромотиддан иборат ва центомера билан боғланган хромосомалар бўлиниш дуки экваторида жойлашади, уларнинг сони соматик хужайраларга нисбатан 2 хисса кам.

Метафаза 2 нинг охирида ва анафаза 2нинг бошида хроматидаларни ушлаб турган центромера очилиб ҳар бир хроматид алохиди бўлиб хужайра қутбларига тортилади. Натижада 4 ядронинг ҳар бирида гаплоид тўплам хос. бўлади.

Телофаза 2 да хромосомалар деспирализацияланаб, хужайра девори шаклланади.

2 чи мейоз механизми жихатидан митозга ўхшайди, лекин ўзига хос белгиларга эга.



18 –расм. Мейоз бўлиниш схемаси. 1, 2,3 – профаза I; 4,5-метафазаI ; 6,7 –анафаза I; 8- телофаза I; 9. профаза II; 10. метафаза II; 11. анафаза II; 12. телофаза II

Ишни бажариш тартиби

Талабалар ишни бажаришда ўзларига берилган услубий кўрсатмалар, жадваллар ва тайёр препаратлардан фойдаланиб, ўзлари расм солиш-чишиш ишларини бажарадилар ва қуидаги саволларга жавоб берадилар.

Бажариладиган иш 2 қисмдан иборат бўлади: 1) мейоз бўлиниш фазалари акс эттирилган жадвалга қараб, расмини чизиш ва тайёр препаратларни микроскопда кўриб таққослаш. 2) ҳар бир талаба ўзи мустакил вақтингчалик препарат тайёрлайди ва мейоз фазаларини ёруғлик микроскопда кўради. Бунинг учун ғўза гулининг чангдони ишлатилади. Ғўза шонасини йиғиб олиб, (10-12 соат давомида) Карнуа аралашмасига фиксация қилинади. Карнуа аралашмаси (3:1) 3 қисм спирт ва 1 қисм сирка кислотасининг аралашмасидан иборат. 12 соатдан кейин шоналарни 96⁰ спирт билан ювиб, сақлаш учун 70-80% ли спиртга солиб кўйилади. Препарат тайёрлаш учун пинцет ёрдамида бир дона шонани олиб, ичидаги чангдонни (2-3 дона) ажратиб предмет ойнасига жойлаштирилади. Устига 2 томчи ацетокармин бўёғи томизилади ва қоплагич ойна ёпилади. Препаратни спиртовкада қайнагунча киздирилади. Бироз совигач устидан гугурт чўпи билан аста эзилади. Тайёр бўлган препаратни микроскопга ўрнатиб, мейоз бўлиниш фазаларини, диада, тетрадани ва чанг доначасини кузатинг.

Материал ва асбоб-ускуналар

1. Ёруғлик микроскопи
 2. Мейоз фазаларини ўрганиш учун жадваллар
 3. Талабалар мустакил препарат тайёрлаш учун ғўза шонаси
 4. Препарат тайёрлашда ишлатиладиган Карнуа аралашмаси, 70-80% ли спирт ацетокармин, 45% ли сирка кислота
 5. Буюм ва қоплагич ойна, спиртовка, фильтр қоғоз
-
-
-
-
-

Сана

17-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ МАВЗУ: Ирсиятнинг молекуляр асосларини ўрганиш

Машғулот мақсади: *Ирсиятнинг молекуляр асосларини ва жинсий кўпайишнинг генетик аҳамиятини тушунтириши.*

Умумий тушунча: Ирсий маълумотларни наслдан-наслга ўтишида дезоксирибонуклеин кислотасининг маълум бир қисми ген иштирок этади. Ген ДНК нинг бир қисми бўлиб, организмдаги маълум белгининг шаклланишида иштирок этади. ДНК -дезоксирибонуклеин кислота биополимер бўлиб, қўш спиралдан ташкил топган. Унинг таркибида азотли асосларнинг 4 хили: аденин, тимин, цитозин ва гуанин учрайди. ДНК спиралида азотли асослар комплементарлик қонуни асосида жойлашган. ДНК спиралининг бирида аденин бўлса, қарама-қаршисида, албатта, тимин, гуанин, қаршисида эса цитозин жойлашган бўлади. РНК бир қават занжирдан иборат. Унинг таркибида азотли асослардан тимин ўрнига урацил жойлашган бўлади.

Машғулотда бажариладиган ишлар тартиби. Талабалар генетик код жадвалидан фойдаланган ҳолда ҳужайрада оқсил биосинтезини амалга оширишади. Бунинг учун генетик код жадвалидан фойдаланиш мүмкін.

Керакли жиҳозлар: тайёр препаратлар, микроскоп, жадвал.

Мавзуға оид масалалар ечиш. 1-масала. ДНКнинг бир спирилида нуклеотидлар куйидаги тартибда ААА ТТГ ЦЦА ГАЦ ААЦ жойлашган. ДНКнинг иккинчи спирилида нуклеотидларнинг жойлашишини аниқланг? Бизга маълумки ДНК таркибидаги азотли асослар комплементарлик қонуниятлари асосида жойлашади, яъни аденин қаршисида тимин, цитозин қаршисида эса, албатта, гуанин жойлашади. Шу қонуниятга асосан нуклеотидларни жойлаштирамиз.

ДНК нинг биринчи қатори: AAA TTG ЩЦА ГАЦ ААЦ

ДНК нинг иккинчи қотори: ТТТ ААЦ ГГТ ЦТГ ТТГ

2-масала. ДНК таркиби қуидаги нуклеотидлардан ташкил топган:

ГГТ; ТЦГ; ААГ; ЦТТ; AAA; TTT; TTГ; ЦАГ; АГТ Ушбу маълумотлардан фойдаланиб, қайси аминокислоталар оқсил синтезида иштирок этишини аниқланг? Масалани ечиш учун генетик код жадвалидан фойдаланиш мумкин. Жадвалдаги маълумотлардан маълум бўлишича, ГГТ аланин, ТЦГ серин, ААГ лизин, ЦТТ лейцин, AAA лизин, TTT фенилаланин, ТГГ лейцин, ЦАГ глутамин, АГТ серин аминокислоталари оқсил синтезида иштирок этишини аниқлаш мумкин.

З-масала. ДНК молекуласининг қўш қават спиралида вертикал ўқ бўйича жойлашган қўшни нуклеотидлар орасидаги масофа 34×10^{-11} га teng. Agar аминокислоталар миқдори 287 тани ташкил этса оқсил молекуласини синтез қилувчи генлар орасидаги масофани аниқланг? Масаланинг шарти бўйича ген 287 нуклеотидлардан ташкил топган бўлса, ҳар бир нуклеотидлар орасидан масофа 287×3 к 861 нуклеотидга teng бўлар экан. Энди ҳар бир нуклеотид орасидаги масофа $34 \cdot 10^{-11}$ м teng бўлса, у ҳолда геннинг узунлиги $34 \cdot 10^{-11} \times 861$ к $29,3 \cdot 10^{-8}$ teng бўлар экан.

Мустақил иш топшириқлари

1.ДНК нинг биринчи спирали қўйидаги нуклеотидлардан ташкил топгагн: ТАГ АГТ ЦЦЦ ГАЦ АЦГ. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб унинг иккинчи спиралидаги асосли азотларнинг жойлашишини ёзинг.

2.Оқсил молекуласи күйидаги: валин-лейцин-серин-изолейцин каби аминокислоталардан ташкил топган. Ушбу маълумотлар асосида аминокислоталар ташиш учун генетик кодларни аниqlанг.

3.Оқсил таркиби 400 та аминокислоталардан ташкил топган. Мазкур оқсил молекуласини синтез қилишда қатнашган геннинг узунлигини аниqlанг. Бунинг учун иккита нуклеотидлар орасидаги масофа $3,4 \cdot 10^{-4}$ мкм деб ҳисоблансан.

4.400 аминокислоталардан ташкил топган геннинг молекуляр массасини хисобланг? Бунинг учун нуклеотидларнинг ўртача молекуляр массаси 300 деб олинсин.

5. Ген таркиби қўйидаги нуклеотидлардан: ТГГ ТЦГ ЦАГ ГАГ ГГГ ТТТ ташкил топган. Агар ушбу нуклеотидлар таркибидан 10,11 ва 12 нуклеотидлар олиб ташланса аминокислоталар таркибидаги ўзгаришини аниқланг.

6.иРНК нуклеотидларининг 34 % ни гуанин, 18% ни урацил, 28% ни цитозин, 20% ни аденин ташкил этади. Шу маълумотлардан фойдаланиб, РНК синтезида асос бўлган ДНКнинг қўш қават спиралидаги азотли асослар таркибини аникланг.

7.ДНК нинг таркиби 33% адениндан ташкил топган бўлиб унинг миқдори 1320тага teng. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб гуанин, тимин ва цитозин миқдорини аниqlанг.

8.ДНК молекуласининг кўш қават спиралида вертикал ўқ бўйича жойлашган қўшни нуклеотидлар орасидаги масофа $3,4$ Ага тенг. Таркибида 300 нулеотидлар бўлган занжирнинг узунлигини ҳамда нечта аминокислоталардан тузилганлигини хисобланг?

9.Оқсил таркиби 500 та аминокислоталардан ташкил этган бўлса, занжир узунлигини ва массасини ҳисобланг. иРНК нинг таркиби қўйидаги нуклеотидлар қўйидаги тартибда УУЦ ААГ УАЦ ЦАА УАА УЦГ УЦЦ жойлашган. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб, ДНК молекуласи қайси нуклеотидлардан тузилганлигини аникланг.

10. 2-расм мәлдүмтларидан фойдаланиб митоз ва мейоз бўлиннишларни тушунтириб беринг.

Мустақил иш топшириқлари

1. Етилган чанг доначасидаги өгетатив ҳужайра қандай вазифаны бажаради ?

А. Митоз бўлиниши оқибатида хосил бўлиб, кейинчали яна бўлиниб, иккита спермиялар хосил этади

Б. Озиқ мөддәлар түппланади ва у генератив ҳужайранинг бўлинишини таъминлаб беради

С. Муртак халтачасини марказида жойлашган ядро билан қүшилади

Д. Синергид ядролар билан түқнашиб емирилади.

2. Муртак халтасининг ичида жойлашган хужайраларинг номини ва сонини аниқланг?

А. 1та тухум,2та синергид, 2 та марказий ядро ва 3та антипод

Б. 2та тухум,3та синергид, 2 та марказий ядро ва 1та антипод

С. 1та генератив хұжайра, 2та синергид, 2 та марказий ядро ва 3та чанг найчаси

Д. 1та вегетатив хужайра,2та синергид, 2 та тухум ва 3та антипод

3. Қайси ўсимликларда қүш уруғланиш содир бўлади?

A. Сув ўтларида

Б. Спорали ўсимликтарда

C. Ёпик уруғли ўсимликларда

Д. Очиқ уруғли ўсимликларда

4. Тухум ва уруғ хужайралари ядроларини қўшилиши қандай номланади?

- А. Кариогамия
 - Б. Цитогамия
 - С. Синголия
 - Д. Шизогалия

5.Күш уруғланиши бу...

- А. Марказий хужайра билан спермий хужайрасининг қўшилиши.
 - Б. Тухум хужайра билан спермий хужайрасининг қўшилиши.
 - С. Бир спермий тухум хужайра билан, иккинчиси марказий хужайра билан қўшилиши.
 - Д. Чанг найчасини микропиле томонига қараб ўсиши.

Сана

18-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ


МАВЗУ: Чанг найчасини ўсишини ва қўш уруғланишини ўрганиш.

Машғұлот мақсади: *Күш уругланиши мөхияттің түшүнади.*

Үмумий түшүнчә: Үсимликларда микрогаметогенез чанг хужайрасининг ҳосил бўлиши билан якунланади. Оналик гулининг устунчасига келиб тушган чанг (чангланиш) чанг найчасини ҳосил қиласди. Үсимликларда микрогаметогенез чанг хужайрасининг ҳосил бўлиши билан якунланади. Оналик гулининг устунчасига келиб тушган чанг (чангланиш) чанг найчасини ҳосил қиласди. Чанг найчаси уруғкортак ичида жойлашган муртак халтасининг микропиле томонига етгач, у синергидларга тегиб ёрилади ва ундан спермиянинг бири муртак халтасидаги тухум хужайра билан, иккинчиси эса марказий ядро билан қўшилади. Уруғланган тухум хужайрада хромосомаларнинг диплоид тўплами тикланади ва у уруғнинг муртак қисмини ҳосил этади. Муртак халтасидаги марказий ядро билан спермия қўшилишидан хромосомаларнинг триплоиди ҳосил бўлиб, ундан уруғнинг эндоспермаси ривожланади. Чанг найчасидаги бир спермиянинг тухум хужайра, иккинчисининг марказий ядро билан қўшилиши қўш уруғланиш дейилади. Қўш уруғланиш ходисаси 1898 йилда рус олими С.Г. Навашин томонидан кашф қилинган.

Керакли жиҳозлар: тайёр препаратлар, микроскоп.

Ишнинг бажарилиши: Кўш уруғланишни ўрганинг. Препаратларда, плакатларда расмини кузатинг ва расм дафтарингизга чизинг.



Ўсимликларнинг қўш уруғланиш схемаси. 1 – чанг найчасининг муртак ҳалтачасига ўсиб кириши. 2 – найча ичида борлиқнинг муртак қопига қуилиши. 3 – уруғланишдан сўнг муртак қопи.

Ишни бажариш тартиби.

Талабалар ўсимликларда жинсий хужайралар ривожланиши ва уруғланиш ҳақида тушунчага эга бўлганларидан кейин, ғўза гулининг оналик устунчасига ўсуви чанг найчалари сонини санаш (И.Д Романов ишлаб чиқсан) услуби билан танишадилар. Ҳар бир талаба мустақил препарат тайёрлайди. Бунинг учун ўқув қўлланмада ёки жадвалда акс эттирилган чанг донаси, гулнинг оналик устунчаси, унинг кўндаланг кесимининг расмини ўрганадилар ва чизиб оладилар. Препарат таёrlаш учун очилган ғўза гулини чанглангандан 24-48 соат кейин, оналик устунчаси ажратиб олиниб 96% ли спиртда сақлаб қўйилган материалдан фойдалиниади. Талаба препарат тайёрлаш учун бир дона оналик устунчани олиб, қўлда лезва билан юпқа кесма тайёрлайди. Кесмани предмет ойнасига бир қатор териб устига 2-3 томчи йод фенол бўёғи томизилади. Сўнгра препаратни микроскоп ойнасига жойлаштириб, ҳар бир кесма ичидаги оналик тумшуқчасида ўсиб борётган чанг найчасининг сони санаб борилади. Оналик устунчасини ўтказувчи чанг найчасининг юқори қисми кесмада юмалоқ тешикча ҳосил қиласди, бу тешикчалар “чанг найчасининг изи” дейилади. Чанг найчасининг изи кесмада жигарранг кўринишда бўлади. Чунки, улар ўз плазмасига эга. Микроскопдаги перепаратда чанг найча ўсаётган бўлса, улар жигарранг кўринишда бўлади. Ушбу усул ёрдамида чанг найчасининг муртак ичига кириб бориши, уруғланиш ходисасини кузатиб бориш мумкин, чунки чанг найчалар ўсмаса уруғланиш ҳам юз бермаслиги мумкин.

Материал ва асбоб ускуналар.

1. Чангланиш, чанг найчасининг ўсиши, қўш уруғланишни ўрганиш учун жадваллар.
2. Талабалар препарат таёrlashi учун фиксация қилинган ғўза гулининг оналик устунчаси.

19-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ МАВЗУ: Монодурагай чатиштиришни ўрганиш.

Машғулот мақсади: Талабаларда монодурагай чатиштириш натижаларини генетик таҳлил қилиш бўйича тушунчалар ҳосил қилиш.

Умумий тушунча: Чатиштиришда иштирок этадиган ота-оналар бир-биридан битта белгиси билан фарқ қилса, монодурагай деб аталади. Моно деган сўз битта деган маънони англатади. Монодурагай чатиштиришда Г.Менделнинг биринчи қонунига асосан биринчи бўғинда бир хиллик содир бўлади яъни дурагай ота ёки онасига ўхшаш бўлади. Иккинчи бўғинда эса ажралиш содир бўлиб, фенотип бўйича **3:1** ва генотип бўйича эса **1:2:1** нисбатларда ажралиш содир бўлади. Монодурагай чатиштириш ишларини бажариш учун талаба доминант, рецессив, аллел генлар, гомозигота, гетерозигота, такрорий чатиштириш, таҳлилий чатиштириш, чала доминантлик каби тушунчаларга эга бўлиши керак.

Масалалар ечиши йўли. Монодурагай чатиштиришда биринчи навбатда гаметаларни тўғри ёзиш ва ҳосил қилишни билиш керак. Чатиштириш натижасининг таҳлили ота-онадаги гамета типларини аниқлашдан бошланади. Маълумки, мейоз натижасида жуфт хромосомаларда гаметаларга (сперматозоид ёки тухум хужайраларга) фақат биттаси ўтади.

Фараз қиласи , **AA**, **Aa** ва **aa** генотипли организмларнинг гаметасини ёзиш талаб қилинган бўлсин. **AA**-гомозиготали организм мейозда **A**-генли битта гамета типини беради (шуни кайд этиш лозимки, мейоз бўлинишда гомозиготали организмда иккита бир хил гамета ҳосил бўлади. Шу сабабдан уларнинг биттасини ёзиш қабул қилинган). Худди шунингдек **aa**-гомозиготали организм **a**-генли гаметани ҳосил илади. Гетерозиготали **Aa** организм эса мейозда икки типли гаметани ҳосил қиласи: **A**-генли ва **a**-генли тенг микдорда. Бошқача қилиб айтганда, гетерозиготали организмда доминант генли (**A**) гаметанинг рецессив генли (**a**) гаметага нисбати **1:1** ни ташкил қиласи.

Генотиплар **AA**; **Aa**

Гаметалар **A** **A** **a**

Г.Мендель яратган қонунига асосан, агар ота-она генотипи маълум бўлса, наслнинг генотипи ва фенотипини хисоблашга имкон беради.

Керакли жиҳозлар: генетик символлар, монодурагай чатиштириш бўйича кўргазмали қуроллар, жадваллар.

Мисол: Гомозиготали қора сигир қизил бука билан чатиштирилди. Йирик шохли ҳайвонларда қора рангнинг (**B**) қизил ранг устидан доминантлик қилиши маълум (в). Буларнинг чатишиши натижасида қандай насл пайдо бўлиши талаб қилинади.

Аввало қисқача масала шартини ёзишни ўрганиш муҳимдир. Ота-она генотипи ва фенотипини ёзамиз. Буни қуйидаги жадвалда ҳам бериш мумкин.

Белги(феотипи)	Ген
Кора рангли	BB
Қизил рангли	bb

Масала шартига асосан сигир қора рангли белгиси бўйича гомозиготали. Демак, унинг генотипи **Bb**. Бука эса қизил рангли **bb**. Рецессив организм доимо гомозиготали хисобланади. Бунинг учун аввало ота-она организм қайси типдаги гаметалар ҳосил қилишини аниқлаймиз. Мейозда она организмда ҳамма тухум хужайралари **B** ген билан ҳосил бўлади, ота организмда ҳамма сперматозоидлар **b** ген билан ҳосил бўлади.

Ота-она генотиплари қаторининг тагидан уларнинг гамета типлари, пастрокда эса **F₁** авлодининг генотипи унинг тагида фенотипи ёзилади. Шундай қилиб, масала шартлари ва уни ечиш схемаси қўйидагича ёзилади:

P ♀ BB x ♂ bb

Р гаметалар B b

F₁ Bb

F₁ фенотипи: +ора рангли

Демақ, масаладаги гомозиготали қора сигир қизил буқа билан чатиширилганды, биринчи бүғинда олинган ҳамма авлоди қора рангли бүлар экан. Генотипи жиҳатидан эса, бу моллар гетерозиготали (Bb).

Шундай қилиб иккинчи бүғинда **1 BB: 2 Ba: 1bb** нисбатли генотип бүйича наслларнинг ажралиши юз беради.

Қора рангли геннинг қизил рангидан доминантлик қилиши сабабли биринчи икки генотип қора рангли, **bb**- генотип эса қизил рангли бүлади фенотип бүйича ажралиш нисбати 3 қора: 1 қизил.

Мустақил топшириқлар:

1. Монодурагайларнинг тахлилий чатиширишда белгиларнинг хилма-хиллиги қандай бүлади?
 - A. 3:1
 - B. 1:1
 - C. 1:2:1
 - D. 1:1:1:1
 2. Оралиқ ирсийланишида F₂ да белгиларнинг ажралиши қандай нисбатда бүлади?
 - A. 3:1
 - B. 1:1
 - C. 1:2:1
 - D. 1:1:1:1
 3. Мавзуга доир масалалар ечинг
-
-
-
-
-
-
-
-
-
-
-
-

Сана _____

20-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Чала доминантлик ҳоссасини ўрганиш

Машгулот мақсади: Талабаларда чала доминантлик ҳоссаси ҳақида тушунча ҳосил қилиш

Умумий тушунча: **Чала доминантлик.** Айрим вақтларда биринчи бүғин дурагайларида ҳамма вақт ҳам бир хиллик қайд этилмайды. Бундай ҳолатларда биринчи бүғин дурагайларида оралиқ типдаги ирсийланиш қайд этилади. Масалан, қизил гулли номозшомгул ўсимлиги оқ рангли номозшомгул ўсимлиги бўлса ўзаро чатиширилганида биринчи бүғинда пушти рангли ўсимликлар ҳосил бўлган. Улар иккинчи йилда ўрганилганида 1 та қизил 2 та пушти ва 1 та оқ

рангли ўсимликлар ҳосил бўлиши қайд этилган. Бундай ажралиш типи чала доминантликда қайд этилади. Демак, чала доминантликда бир ген иккинчи ген устидан тўлиқ доминантлик қилмайди. Бундай ҳолатда фенотип ва генотип бўйича 1:2:1 нисбатда ажралиш содир бўлади. Масалани ечиш тартиби. Биринчи навбатда ўсимликлар генотипини ёзамиз: +изил гул доминант белги шу сабабдан **A**, оқ рангни эса рецессив а ген билан ифодалаймиз.

P ♀ AA x ♂ aa

Гаметалар A a
F₁ Aa ; Пушти ранг

Энди пушти рангли ўсимликлар келгуси йил экилганида қуидаги қўринишда ажралиш содир бўлади.

Aa x Aa

Гаметалар: A A
 a a

F₂	AA	2Aa	aa
Кизил	пушти		ок
рангли	рангли	рангли	

Демак иккинчи бўғинда феотип бўйича 1 та қизил, 2 та пушти ва 1 та оқ рангли ўсимликлар олинди. Генотип бўйича эса 1:2:1 нисбатда ажралиш содир бўлади.

Мұстақил топширик

1. Куйидаги түшүнчө ва терминларга изох беринг ва улар асосидағи боғланишларни түшүнтириб беринг: ген, дискретлик, алтернатив белги, дурагай гомозигота, гетерозигота, доминант белги, рецессив белги.
 2. Мавзуга оид масалалар ечинг

Сана

21-ЛАБОРАТОРИЯ МАШЕУЛОТИ

МАВЗУ: Тахлилий (беккрос) чатиштиришни ўрганиш

Машғұлот мақсади: Талабаларда беккросс ҳодисасини түшүнтириш

Умумий түшүнчә: Биринчи авлод дурагайини гомозигота ҳолдаги дастлабки ота ёки она организми билан чатиширишга **такрорий чатишириш ёки беккрос дейилади**.

Такрорий чатиштириш натижасида олинган авлод Fb билан белгиланади.

Демак, такорий чатиштиришда

Аа x АА ёки Аа x aa схемада чатишириш ўтказилади.

Доминант белгили организмлар генотипи гомозигота ёки гетерозигота эканлигини аниқлаштириш учун **такхилий чатиштириш** ўтказилади.

Бунда таҳлилил қилинаётган организмни рецессив белгили организм **-аа** билан чатиштирилади.

Агар бундай чатиштиришдан олинган F_b дурагай бир хил белгили бўлса, у ҳолда чатиштиришда қатнашган доминант белгили организм гомозигота, мабодо F_b да ҳам доминант белгили, ҳам рецессив белгили организмлар ривожланса, у ҳолда чатиштиришда қатнашган доминант белгили организм гетерозигота ҳисобланади.

Фен. сариқ яшил
Р Ген. AA x aa

Фен. сарық яшил
Р Ген. Аа х аа

гам	A	a
Фен.	сариқ	
Әб	Ген.	Аа

гам	A	a
Фен.	сариқ	яшил
Әб Ген.	Аа	aa

Мустакил топширик

1. Тахлилий чатиштиришнинг аҳамияти нимадан иборат?

- A. Ирсият қонунлари аниқланади
B. Ўрганилаётган белгининг доминант ва рецессивлиги аниқланади
C. Организмнинг гомозигота ёки гетерозиготалиги анқланади
D. Белгиларнинг ажралиб кетиши коидаси аниқланади

2. Гаметаларнинг соғлиги конуни нима?

- А. Бир белги иккинчи белги устидан доминантлик қиласы
Б. Организм генотипи бирхил аллелдан ташкил топады
С. Организм гомозиготали бўлади
Д. Гаметаларда иккита аллелдан биттаси бўлади

3. Мавзуга оид масалалар ечинг

Сана

22-ЛАБОРАТОРИЯ МАШФУЛОТИ МАВЗУ: Дидурагай чатиштиришни ўрганиш

Машғұлот мәкәсіді: Дидидурагай чатишириң натижаларини генетик таҳлил килиш.

Умумий тушунча: Агар чатиштиришда иштирок этган ота-она организмлари иккита белгиси билан фарқ қылса, хосил бўлган организмларни дидурагайлар деб аталади. Дидурагай

чишишида ҳар хил хромосомаларда жойлашган генлар иштирок этади. Диурагайнинг монодурагай чишишидан фарки шундаки унда иккита ген иккита белгини бошқаради. Фенотип бўйича ажралиш 9:3:3:1 нисбатда генотип бўйича ажралиш эса 1:2:2:4:1:2:1:2:1 нисбатда содир бўлади.

Диурагай чишиши бўйича масалалар ечиш тартиби.

Диурагай чишишида гаметаларнинг ҳосил бўлиши. Худди монодурагай чишиши натижаларида гаметаларнинг ҳосил қилиш ота-она организмнинг ҳосил қилган гамета типларидан бошланади. Масала. Нўхот ўсимлиги донининг сариқ бўлиши **A** ген билан силлиқ бўлиши эса **B** ген билан бошқарилади. Ушбу генлар доминант белгилардан ҳисобланади. Ушбу ўсимликнинг яшил рангли бўлиши рецессив **a** ген билан буришган бўлиши эса **b** ген билан бошқарилади. Гомозиготали силлиқ сариқ **AA BB** ва гомозиготали бурушган яшил **aabb** нўхотлар неча хил гаметалар ҳосил қилишини топиш керак бўлсин.

Масала шартига асосан нўхот гомозиготали бўлғанлиги учун ҳамма гаметалари бир хил, яъни **AB**-сариқ рангли силлиқ нўхотни ва **ab**-яшил нўхотни. Гетерозиготали организмлар бир неча ҳил гамета типларини ҳосил қиласиди. Масалан, дигетерозиготали икки белги бўйича гетерозиготали нўхот, яъни сариқ рангли силлиқ нўхот **Aa Bb** мейоз натижасида 4та гамета типини ҳосил қиласиди: **AB, Ab, aB, ab**.

P ♀ AAbb x ♂ aabb

Гаметалар **A** **a**
 B **b**

F₁ **AaBb** сариқ силлиқ ранги нўхот ўсимлиги олинди.

Энди биринчи бўғиндаги дурагайлар келгуси йил қайта экилганида, яъни иккинчи бўғинда ажралиш содир бўлади.

AaBb x AaBb

Бундай ҳолатда қуйидаги гаметалар ҳосил бўлади. Ушбу гаметаларни Пеннет жадвалига ёзиш ва олинган натижаларни таҳлил қилишга киришамиз.

Гаметалар	AB	Ab	aB	ab
AB	AABB сариқ силлиқ	AABb сариқ силлиқ	AaBB сариқ силлиқ	AaBb сариқ силлиқ
Ab	AABb сариқ силлиқ	Aabb сариқ буришган	AABb сариқ силлиқ	Aabb сариқ буришган
aB	AaBb сариқ силлиқ	AaBb сариқ силлиқ	AaBb яшил силлиқ	AaBb яшил силлиқ
ab	Aabb сариқ силлиқ	Aabb сариқ буришган	aabb яшил силлиқ	aabb яшил буришган

Энди олинган натижаларни таҳлил қиласиди эканмиз, иккинчи бўғинда фенотип бўйича 9:3:3:1 нисбатда, яъни 9 та ўсимлик сариқ силлиқ, 3 та ўсимлик яшил силлиқ, 3 та ўсимлик сариқ буришган ва 1 та ўсимлик эса яшил буришган бўлди. Генотип бўйича эса 1:2:2:4:1:2:1:2:1 нисбатда ажралиш содир бўлди.

Мустақил топшириқ

1. Диғомозигота организм генотипи қандай ёзилади?

- A. **AAbb**
- B. **AABb**
- C. **AaBb**

Д. aaBb

2. Дибурагай чатиширишда фенотип бўйича қандай нисбатларда ажралиш кузатилади?

- А. 3:1, 1:2:1
- Б. 9:3:3:1, 6:3:3:1:2:1
- С. 1:2:2:4:1:2:1:2:1
- Д. 9:3:3:1

3. Дигетерозиготали дурагай қандай гаметаларни ҳосил қиласди?

- А. А, а, В, b
- Б. AB, ab
- С. AA, BB, aa, bb
- Д. AB,Ab, aB, ab

4. Мавзуга оид масалалар ечинг

1. Қуидаги генотипга эга бўлган организмлар қандай типдаги гаметаларни ҳосил қиласди?

- а) ССДД; б) СсДД; в) Содд; г) сдд; д) ссдд.

2. Нўхот ўсимлигига доннинг сариқ рангда бўлиши яшил ранги устидан ва доннинг силлиқ шаклда бўлиши буришган бўлиши устидан тўлиқ доминантлик қиласди. Сариқ силлиқ донли нўхот ўсимликлари худди шундай фенотипга эга бўган ўсимликлар билан чатиширилганда кейинги авлодда олинган ўсимликларнинг хаммаси сариқ, силлиқ донли бўлган. Чатишириш учун олинган ўсимликларнинг генотипини аниқ аниқлаш мумкинми? Аниқ аниқлаш учун қандай чатишириш ўтказиш керак?

3. Бошофи қилтаноқсиз ва қизил бўлган буғдой ўсимликлари бошофи қилтаноқли ва оқ рангли бўлган ўсимликлар билан чатиширилганда F₁ да олинган ўсимликлар қилтаноқсиз ва қизил бошоқли бўлган. F₂ да эса қуидагича ажралиш кетган:

159 та қилтаноқсиз, қизил;

48 та қилтаноқсиз, оқ;

57 та қилтаноқсиз, қизил;

16 та қилтаноқсиз, оқ бошоқли ўсимликлар олинган.

Ўрганилаётган белгилар қандай ирсийланади? F₂ ўсимликларнинг неча проценти гетерозиготали? Тахлилий чатишириш ўтказиш учун F₁ ўсимликларини қандай фенотипга эга бўлган ўсимликлар билан чатишириш керак?

Сана

23-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ МАВЗУ: Полидурагай чатишириши ўрганиш

Машгулот мақсади: Полидурагай чатишириш натижаларини генетик таҳлил қилиш.

Умумий тушунча: Уч, тўрт ва ундан кўп муқобил белгилари билан тафовут қиладиган формаларни чатишишидан ҳосил бўлган организмлар **полидурагай** деб номланади.

Масалан, нўхатнинг дони сариқ, текис, гултожи барги қизил бўлган нави дони яшил, буришган, гултошибарги оқ рангда бўлган нави билан чатиширилса F₁ дурагайларнинг дони сариқ, сирти текис, гултошибарглари қизил рангда бўлади.

Агар организм уч жуфт ген билан гетерозиготали бўлса, **Aa Bb Cc** хил гамета типлари ҳосил бўлади. Буларни ёзиш учун, биринчидан, юқорида ёзилган 4та комбинацияга A ва B C гени кўшилади, натижада **ABC, ABc, AbC, Abc, aBC, aBc, abc** гаметалари ҳосил бўлади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, гаметалар ҳосил бўлишида генларнинг хар хил жуфт аллеллари эркин ҳолда бўлишади ва гаметада ҳар хил жуфтлар ҳосил бўлади.

2-масала. Товукларда нўхотсимон тож Р оддий, яъни баргсимон р дан, тукли оёқ F эса f-туксизи устидан доминантлик қиласди. Ҳар иккала белги бўйича ҳам гетерозиготали бўлган хўрозди шундай товук билан чатиширилди. Бу белгилар бўйича авлодларида қандай- ажрали юз

беришини аниқлаш учун белги ва генлар ҳақидаги маълумотни "белги-ген" шаклдаги жадвалга чизамиз ва ота-онасининг генотипини ёзамиз.

Б е л г и	Г е н
Нўхотсимон тож	P
Оддий, баргсимон тож	p
Тукли оёқ	F
Туксиз оёқ	f

P ♀ PpFf ♂ PpFf

Гаметалар	P F	Pf	p F	pf
P F	PPFF	PPFf	PpFF	PpFf
Pf	PPFf	PPff	PpFf	Ppff
p F	PpFF	PpFf	PpFF	PpFf
pf	PpFf	PpFf	PpFf	ppff

F₁ фенотип бўйича қўйидаги нисбатда ажралиш содир бўлди:

9 та- нўхотсимон тожли, тукли оёқли организм.

3 та-нўхотсимон тожли туксиз оёқли организм .

3 та-оддий, баргсимон тожли, тукли оёқли организм.

1 та-оддий, баргсимон тожли, туксиз оёқли организм.

Мустақил топшириқ

1. Тригетерозигота дурагайлар фенотип бўйича қандай нисбатда хилма-хиллик беради?

A. 1:15:6:20:6:15:15:1

B. 1:6:15:20:20:15:6:1

C. 27:9:9:3:3:3:1

D. 1:1:15:15:20:6:6

2. Тўртта гамета ҳосил қиласидиган генотипни кўрсатинг.

A. AabbCc

B. AaBbCc

C. aaBbcc

D. Aabbcc

3. Мавзуга оид масалалар ечинг

1 . Қўйидаги генотипга эга бўлган организмлар қандай типдаги гаметаларни ҳосил қиласди?

1) ССДДКК; 2) ССДдкк; 3) СсДдКК; 4) СсДдКк; 5) СсДдКкУу.

2. Буғдой ўсимлигига бошоғининг қилтаноқсиз бўлишлиги С қилтаноқли бўлишлиги с устидан, бошоғининг қизил рангда бўлиши Д оқ бўлиши д устидан ва бўйининг узун бўлиши К калта

бўлишлиги к устидан доминантлик қиласи. Куйидаги генотипга эга бўлган буфдой ўсимликларни чатиштиришдан олинган кейинги авлод ўсимликларнинг генотипи ва фенотипини аниқланг:

1) СсДдКК x ссддкк; 2) СсДдКк x ссддкк; 3) СсДдкк x ссддКк; 4) СсДдКк x СсДдКк.

3. Тетрагетерозиготали АВвДдCc организмлар ўзаро чатиширилса ва улар рецессив гомозиготали ааввддCc организмлар билан чатиширилса, кейинги авлодда ҳосил бўладиган генотипик ва фенотипик классларнинг сони ҳамда нисбатлари қандай бўлади? А,В,Д,C генлари тўлиқ доминантлик қилиш хусусиятига эга

Сана

24-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Генларнинг комплементар таъсирини ўрганиш

Машғұлот мақсады: Ноаллел генларнинг ўзаро таъсириини генетик тахлил килиш.

Умумий тушунча: Комплментар ёки тўлдирувчи генлар ноаллел бўлиб алоҳида ўз таъсирини кўрсатмайди, лекин генотипда биргаликда учрашса, янги белгининг ривожланисига олиб келади. Аниқроғи, белги иккита фермент таъсири натижасида ривожланади, чунки ноаллел бўлган генлар ферментларнинг ҳосил бўлишини назорат қиласиди.

Мисол. Товуқларда тож шакли авлоддан-авлодга берилишини қуидаги чатишириш ишларидан күриш мүмкін:

F1 Аавв
гүлсимон

2) P1 aaBB x P2 aabb
нүхөтсимон оддий

F1 aaBb
Нүхөтсимон

3) P1 AAbb x P2 aaBB
гүлсимон нүхотсимон

F1 АaBb
 Ёнғоксимон

ААВВ х aaBB
гүлсимон нүхотсимон

F1 AaBb
Ёнгоҳсимон

Гаметалар	AB	Ab	aB	ab
AB	AABB Ёнғоқсимон	AABb Ёнғоқсимон	AaBB Ёнғоқсимон	AaBb Ёнғоқсимон
Ab	AABb Ёнғоқсимон	AAbb Гулсимон	AaBb Ёнғоқсимон	Aabb Гулсимон
aB	AaBB Ёнғоқсимон	AaBb Ёнғоқсимон	aaBB нұхотсимон	aaBb нұхотсимон
ab	AaBb Ёнғоқсимон	Aabb Гулсимон	aaBb нұхотсимон	aabb оддий

Мұстақил топширик

- 1.Генларнинг комплементар таъсирида фенотип бўйича қандай нисбатда хилма-хиллик беради?
 - 2.Комлементар таъсирнинг аҳамияти?
 - 3.Мавзуга оид масалалар ечинг

Сана

25-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ МАВЗУ: Генларнинг эпистаз таъсирини ўрганиш

Машғулот мақсади: Эпистаз таъсирнинг комплементар таъсиридан фарқини фарқлай олади; Доминант ва рецессив эпистазларнинг ирсийланишини тушунтира олади;

Умумий түшүнчә: Эпистаз таъсир ташқы күринишдан доминантликка ўхшайды. Ноаллель генлар устидан доминантлик қилувчи генлар супрессор ёки ингибитор-эпистатик ген дейилади. Эпистатик генлар рецессив гомозигота ҳолатда ҳам бўлади. Бундай ҳолатда а В гендан устунлик қиласди. Доминант эпистаз таъсирда иккинчи бўғинда қуидаги нисбатларда 13:3, 12:3:1, рецессив эпистазда эса 9:7, 9:3:4 нисбатларда ажralиш содир бўлади

Эпистазга доир масалалар ечиш: Масала: Нўхотнинг гултожибарглари қизил ва оқ рангли бўлади. Генотипи бошқа-бошқа бўлган иккита оқ гултожибаргли формаси чатиштирилган. Натижада биринчи бўғинда қизил гултожибаргли ўсимликлар, иккинчи бўғинда эса 9F16 қизил, 7F16 оқ гултожибаргли формалар олинган. Ота-она ва дурагайлар генотипини аниқланг?

P ♀ AAbb x ♂ aaBB

Гаметалар А в аВ

F₁ *AaBb* қызыл рангли

Энди иккинчи бўғинда ажralиш натижаларини тахлил қиласиз.

F₂ AaBb x AaBb

Гаметалар	AB	Ab	aB	ab
AB	AABB +изил	AABϵ қизил	AaBB қизил	AaBϵ қизил
Ab	AABϵ қизил	AAϵbb Oκ	AaBϵ қизил	Aaϵbϵ Oκ
aB	AaBB қизил	AaBϵ қизил	AaBB Oκ	AaBϵ Oκ
Ab	AaBϵ қизил	Aaϵbϵ Oκ	AaBϵ Oκ	aabϵ Oκ

Жадвалдаги маълумотларни таҳлил қилас эканмиз, иккинчи бўғинда 9 та кизил рангли ва 7 оқ рангли ўсимликлар ҳосил бўлиши аниқланди. Бу ерда **A** ва **B** ген биргалиқда кизил рангни ҳосил қилас экан, **a** ген эса оқ рангни ҳосил бўлишини таъминлайди. Ушбу масалада иккинчи бўғинда 9:7 нисбатда ажралиш содир бўлиши аниқланди.

Мұстақил топширик

- 1.Генларнинг эпистаз таъсирида фенотип бўйича қандай нисбатда хилма-хиллик беради?
 - 2.Комлементар таъсирнинг эпистаз таъсирдан фарқи?
 - 3.Мавзуга оид масалалар ёчинг

Сана

26-ЛАБОРАТОРИЯ МАШФУЛОТИ

МАВЗУ:Генларнинг полимер таъсирини ўрганиш

Машғұлот мақсади: Полимер ҳолда ирсийланишни генетик таҳлил қилиш.

Умумий тушунча: Генларнинг полимер таъсири дейилганда бир белгини шаклланишида иштирок этувчи бир нечта генлар назарда тутилади. Шу сабабдан полимер генлар деб аталади. Ушбу генлар ҳар хил хромосамаларда жойлашган бўлсада улар битта белгининг шаклланишида иштирок этганлиги туфайли индекслар билан ифодаланади. Масалан, A₁, A₂, A₃ ва ҳакозо. Генотип таркибида қанча кўп доминант генлар иштирок этса ушбу белгининг курсаткичи шунча кўп бўлади. Полимер таъсирида генларнинг кумулятив таъсирида иккинчи бўғинда 1:4:6:4:1 нисбатда, нокумулятив таъсирида эса 15:1 нисбатда ажralиш содир бўлади.

Масала. Маккажүхорининг сўтаси 20 ва 8 см узунликда бўлган иккита нави чатиштирилган. Агар ҳар бир доминант ген сўтанинг 5 см, рецессив ген 2 см узунлигини намоён этса, у ҳолда :а) биринчи бўғинда сўтанинг узунлиги неча см бўлади? б) 3 та доминант генли формалар иккинчи бўғиндаги 960 ўсимликнинг неча қисмини ташкил этади.

Масалани ечиш тартиби. Масала шарти бўйича ҳар бир доминант ген сўтанинг 5 см, рецессив ген эса 2 см бўлишини таъминлар экан. Шундай экан 20 см ли маккажухаори сўтаси кўйидаги $A_1A_1A_2A_2$ генотипга эга бўлар экан. Энди ушбу генотиплар ўртасида чатиштириш ишларини олиб борамиз.

	P	$A_1A_1A_2A_2$	x	$a_1a_1a_2a_2$
	20 см		8 см	
Гаметалар	A_1	a_1		
	A_2	a_2		
F_1	$A_1a_1A_2a_2$			
		14 см		

Энди иккинчи бўғинда содир бўладиган ажралиш натижаларини таҳлил қиласиз.

F_2	$A_1a_1A_2a_2$	x	$A_1a_1A_2a_2$
	4 см		14 см

Ҳосил бўлган гаметаларни Пеннет жадвалига жойлаштирамиз

Гаметалар	A_1A_2	A_1a_2	a_1A_2	a_1a_2
A_1A_2	$A_1A_1A_2A_2$ 20 см	$A_1A_1A_2a_2$ 17 см	$A_1a_1A_2A_2$ 17 см	$A_1a_1A_2a_2$ 14 см
A_1a_2	$A_1A_1A_2a_2$ 17 см	$A_1A_1a_2a_2$ 14 см	$A_1a_1A_2a_2$ 14 см	$A_1a_1a_2a_2$ 11 см
a_1A_2	$A_1a_1A_2A_2$ 17 см	$A_1a_1A_2a_2$ 14 см	$a_1a_1A_2a_2$ 11 см	$a_1a_1A_2a_2$ 11 см
a_1a_2	$A_1a_1A_2a_2$ 14 см	$A_1a_1a_2a_2$ 11 см	$A_1a_1A_2a_2$ 14 см	$a_1a_1a_2a_2$ 8 см

Жадвалдаги маълумотларни таҳлил қиласиз, 4 та доминант ген иштироқидаги генотипда сўтанинг узунлиги 20 см бўлди. Сўта узунлиги 17 см ли генотиплар 4 тани, 14 см генотиплар 6 тани 11 см генотиплар 4 ва 8 см генотиплар эса 1 тани ташкил этди. Демак полимер таъсирида фенотип бўйича ажралиш нисбати 1:4:6:4:1 га teng бўлди.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Патлари яшил рангли тўтиқушлар оқ патли тўтиқушлар билан чатиштирилганда кейинги авлодда олинган қушларнинг 25% яшил, 25% хаворанг, 25% сариқ ва 25% оқ патли бўлган. Чатиштириш учун олинган тўтиқушларнинг генотипини аниқланг. Ўрганилаётган белгининг ирсийланиш қонуниятини тушунтириб беринг.

2. Оч қизил донли буғдой ўсимликлари худди шундай оч қизил донли ўсимликлари билан чатиштирилганда кейинги авлодда олинган ўсимликларнинг донли ҳам оч қизил донли бўдган. Лекин биринчи авлод ўсимликларидан уруф йиғиб олиниб, иккинчи авлод ўсимликлари олинганда дон ранги бўйича ажралиш кетган. F_2 ўсимликларнинг 1F16 қисми тўқ қизил донли, 4F16 қисми қизил донли, 6F16 қисми оч қизил донли, 4F16 қисми жуда оч қизил донли ва 1F16 қисми оқ донли бўлган. Чатиштириш учун олинган ва чатиштиришдан кейин олинган ўсимликларнинг генотипини аниқланг ҳамда нима учун F_2 да 1:4:6:4:1 нисбатда ажралиш кетганлигини тушунтириб беринг.

3. Буғдойда A_1A_2 генлар баҳорилик хусусиятини, a_1a_2 генлар эса кузгилик хусусиятини намоен қиласиз. $A_1A_1A_2A_2$ генотипга эга формаларда баҳорилик хусусияти, $a_1a_1a_2a_2$ генотипли формаларда кузгилик белги кучли ифодаланган бўлади. +уйидагича чатиштиришдан олинган формаларда генотип ва фенотипни аниқланг.

4. Гўзанинг гултожибарглари асосида антоциан доғ $R_1R_1R_2R_2$ генлар таъсирида ҳосил бўлади, $r_1r_1r_2r_2$ генли рецессив формалар гултожибаргидаги антоцион доғ учрамайди. Гултожибарглари асосида антоциан доғи бор ғўза гултожибарглари асосида антоциан доғи йўқ

линия билан чатиштирилганда ҳосил бўлган F_1 ва F_2 дурагайларнинг генотипи ва фенотипини аниқланг.

Сана

27-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Жинс билан бириккан белгиларнинг наслга ўтишини ўрганиш

Машгулут мақсади: Белгиларнинг жинсга боғлиқ ҳолда ирсийланишини таҳлил қилиш.

Уумий түшүнчә: Жинсий хромосомалар морфологик тузилиши жиҳатидан тана хўжайра хромосомаларидан фарқ қиласы. Ушбу хромосомалар жинсни шаклланишини таъминлайди. Сут эмизувчи, баъзи бир балиқлар ва парда қанотлиларнинг урғочиси **XX**, эркаги эса **X** ва **Y** хромосомалардан ташкил топган. Паррандалар, капалаклар аксинча, эркак организмидаги бир хил **XX**, урғочисиники эса **XU** билан ифодаланади. Жинсий хромосомалар билан боғлиқ бўлган белгиларнинг ирсийланиши жинсга боғлиқ бўлиб, наслдан-наслга ўтади. Шу сабабдан айрим касалликлар фақат аёлларда ёки эркакларда учраши мумкин.

Масала ечиш тартиби. Масала. Гемофилия касаллигини ҳосил қилувчи **h** ген X хромосомада жойлашган. Отаси гемофилия билан касалланган соғлом қиз отаси соғлом бўлган йигитга турмушга чиқкан. Ушбу оиласда туғилган қиз-ўғил болаларда мазкур касалликнинг намоён бўлишини аниқлаш керак бўлсин. Масалани шарти бўйича генотипларни ёзамиш:

P ♀ X^H X^h x ♂ X^H Y
 Гаметалар: X^H ☺ X^H ☺
 X^h ☺ Y

F₁ X^H X^H; X^H Y; X^h X^H; X^h Y
 Соғлом киз Соғлом ўғил +из бола Касал ўғил
 Бола бола (ташувчи) бола

Масаланы ечими шундан далолат бермоқдаки, гемофилия касаллiği ҳосил қилувчи h-рецессив ген фақат X жинсий хромосомага жойлашган бўлиб фақат ўғил болаларни касал бўлишига сабаб бўлди. +из болалар эса ушбу касалликни ташувчилари ҳисобланар экан.

Мустақил иш топшириқлари

1. Жинсий хромосомаларнинг аҳамиятини тушунтира олади;
 - 2.Жинсий хромосомалар билан бириккан белгиларни ирсийланишини тушунтира олади;
 - 3.Мушукларда В ген жигарранг жуннинг,б ген қора рангли жуннинг ривожланишини таъминлайди.Гетерозигота форма чипор жунли бўлади.Бу генлар жинсий хромосомаларда жойлашган.+ора жунли эркак мушукни жигарранг жунли ургочиси билан чатиштирилиб,бта насл олинган.Улардан 4таси ургочи мушукчалардир.а)нечта ургочи мушук чипор рангли.б)нечта эркак мушук жигарранг бўлади.
 - 4.Товуқларда В ген патнинг чипор,бген қора рангда бўлишини таъминлайди. Тажрибада чипор товуқ ғора хўроздан билан чатиштирилган. F_1 даги 16 та товуқ ва хўроздан а)нечта хўроздан чипор патли

б)нечта товук қора патли бўлади. в)F₂да 80 та парранда олинса, улардан нечтаси товук, нечтаси хўроз бўлади.

Сана _____

28- 29-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ МАВЗУ: Генларни бириккан ҳолда наслга ўтишини ва кроссинговерни ўрганиш

Машгулот мақсади: Белгиларнинг бириккан ҳолда наслдан- наслга ўтишини ва кроссинговер ҳодисасини тушунтириб бериш.

Умумий тушунча: Генларнинг бириккан ҳолатининг бузилиши хромосомаларда бўладиган чалкашувга (кроссинговерга) боғлиқ. Агар битта хромосомаларда бир нечта белгилар жойлашган бўлса, ушбу белгилар **бириккан** белгилар деб аталади. Бириккан белгилар хромосомаларнинг гаплоид сонига teng бўлади. Айрим вақтларда гомологик хромосоманинг ўзаро конъюгацияси туфайли улар айрим генлари билан ўрин алмашиниши мумкин. Бу ҳодиса **кроссинговер** деб аталади. Кроссинговер ёрдамида хромосомадаги генлар ўртасидаги масофа аниқланиб, генетик харита тузилади.

Морган хромосомаларнинг чалкашуви ва генларнинг бирикиш ҳоллари асосида генлар орасидаги масофани аниқлаш усулларини топди. Хромосомаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, улар ўртасида бўладиган чалкашув хромосомаларнинг ҳар хил қисмларида бўлиши мумкин эмас. Морган чалкашув

бирлиги қилиб бир фоизга teng қийматни олди ва бу қийматни *морганида* деб атади. Бир фоиз чалкашув битта морганидага teng. Масалан, кулранг танали узун қанотли урғочи (ВВ ВВ), қора танали калта қанотли эркак пашшаларни (vv vv), ўзаро чатиштирилганда урғочи пашшалар хромосомасида содир бўладиган чалкашув генларнинг янги тўпламини юзага чиқарди (V v va V) ва натижада

дурагайларнинг 17% (8,5% дан икки гурухда) ота-онасига ўхшамаган янги белги пайдо бўлади. Демак V ва V генлар орасидаги масофа 17 морганидага teng экан.

Одатда генлар ўртасидаги масофани аниқлашда куйидаги формуладан фойдаланади:

$$X = \frac{a-c}{n} * 100$$

X - морганида ўлчамидаги генлар масофа;

a - хромосомаларида чалкатув бўлган биринчи гурух дурагайлари сони;

c - хромосомаларида чалкашув бўлган иккинчи гурух дурагайлари сони;

n - шу тажрибадаги дурагайларнинг сони.

Керакли материаллар: генетик белгилар, жадваллар, генетикадан масалалар тўплами.

Масала ечиш тартиби. Масала. Маккажүхори ўсимлигига донининг сариқ рангда бўлишилигини таъминловчи доминант **A гени** ва донининг силлиқ шаклини таъмин этувчи **B генлар** битта хромосомада жойлашган. Ушбу генларнинг рецессивлари яъни **a ген** оқ рангни, **b ген** эса доннинг буришганлигини таъминлайди. Дони сариқ ва силлиқ шакли маккажүхори дони оқ ва буришган шакли маккажүхори билан чатиштирилганида қандай гаметалар хосил бўлишини аниқланг? Масаланинг шарти бўйича генотипларни ёзамиш:

P	♀	<u>AB</u>	—	x	♂	<u>ab</u>	—
						ab	
		Гаметалар: <u>AB</u>				<u>ab</u>	
F ₁		<u>AB</u>	—			<u>ab</u>	

Дони сариқ ва силлиқ бўлган маккажүхори олинди.

Масала. Маккажүхори донининг рангли, эндосперма текис формалари дони рангсиз, эндосперма буришган формаси билан дони рангсиз, эндосперми буришган формаси чатиштирилганда наслда 4032 та дони рангли, эндосперми текис, 4035 та дони рангсиз, эндосперми буришган, 144 та дони рангли, эндосперми буришган, 151 та дони рангсиз, эндосперми текис форма олинган. Ота-онанинг генотипини, F₁ даги кроссинговер фоизини аниқланг?

Масалани ечиш тартиби. Биринчи навбатда генотипларни ёзамиш: А-дени рангли; В-эндосперма текис; a-дени рангсиз; b-эндосперма буришган.

P	♀	<u>AB</u>	—	x	♂	<u>ab</u>	—
			ab			ab	
		Гаметалар: <u>AB</u>				<u>ab</u>	
						ab	

AB; ab
ab ab

Дони рангли Дони рангсиз эндосперма буришган текис 4032 та. 4035 та.

Шуни қайд этиш лозимки, ушбу генотиплар кроссинговер бўлмаган генотипларга киради. Бундан ташқари кроссинговерли генотиплар ҳам бўлиши масала шартида келтирилган. Энди кроссинговерли гаметаларни ёзамиш:

Ab
 ab
aB

Генотиплар; <u>Ab</u>	<u>aB</u>
<u>ab</u>	<u>ab</u>
Рангли буришган 144 та.	Рангсиз, текис 151 та.

Энди генлар орасидаги масофани топамиш. Олинган жами ўсимликлар миқдори(4032 +4035 +144+151=8362) 8362 тага тенг. Ушбу миқдорни 100 % деб олинса, у ҳолда кроссинговерли генотиплар фоизи 3,53 % ни тошкил этди. Демак, генлар орасидаги масофа 3,53 морганидга тенг экан.

Мустақил иш топшириқлари

- 1.Бириккан ҳолда исийланишни тушунтириб беринг
2. Кроссинговер ва кроссинговер бўлмаган генларни фарқлай оласизми?

3. Помидор ўсимлигига шохларнинг узунлиги билан мевасининг шаклини ифодаловчи генлар бириккан бўлиб, бир хромосомада жойлашган. Селекционер узун пояли (H) ва юмалоқ мевали (P) гомозиготали помидор билан калта пояли (h) ва ноксимон мевали (p) помидорни чатиштириб, F₁да 110 та, F₂ да 1200 та ўсимлик етиштирган. **a)** F₂ да узун пояли ва юмалоқ меваси қанча? **b)** F₁да неча хил гамета ҳосил бўлади? **b)** F₂ да неча ўсимлик калта пояли ноксимон мевали бўлади?

4. Мавзуга доир масалалар ечинг

Сана _____

30-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Полиплоидия ҳодисасини ўрганиш

Машғулот мақсади: Полиплоидия ҳодисасини тушунтириш

Умумий тушунча: Хромосоманинг сони ва шакли ҳар бир турнинг систематик белгилари ҳисобланади. Кариотипнинг асосий бирлиги-хромосомаларнинг гаплоид тўплами. Хромосоманинг гаплоид йигиндисига Г. Винклер геном деб атасини таклиф этган. Айрим вақтларда ҳужайрадаги хромосомаларнинг сони ўзгаради. Гаплоид сонидаги хромосомалар сонининг бир неча марта ортиши полиплоидия дейилади. Полиплоид организмлар полиплоид сонга эга бўлади – 2n, 3n, 4n, 5n, 6n, 7n, 8n, ва х.о. Полиплоидия кўпинча ўсимликларда ва гермафрадит ҳайвонларда учрайди. Гулли ўсимликларнинг 47% полиплоидлар. Ҳайвонларда полиплоидил айрим капалак, бурга, балиқ, саламандра, қисқичбақа, қўнғизларда учрайди.

Кўп маданий ўсимликлар: буғдой, жавдар, картошка, тамаки, шакар қамиш, олча, олма, ғўза ва х.о. полиплоид шакллари учрайди

Автополиплоидлар. Яқин қариндош турларда асосий хромосомалар сонининг ортиб бориши полиплоид катор дейилади, масалан буғдой турларида 2 n +14-42 демак 2n, 4n, 6n. Ўхшаш хромосомаларнинг ортиши асосида вужудга келадиган полиплоидиялар автоплоидия дейилади. Автополиплоидларнинг хромосома йигиндисида бир хил геномлар эга бўлади. Асосий хромосома сони (геном) гаплоид –X бўлса, диплоид –XX, триплоид –XXX, тетраплоид –XXXX ва х.к. Автополиплоидия табиий шароитда мутация сифатида вужудга келади. Ўз-ўзидан чангланадиган ва вегетатив йўл билан кўпаядиган ўсимликларда яхши сақланади. Селекцияда генотипи турғун бўлган шакллар яратишида автополиплоидлардан кенг фойдаланилади.

Аллополиплоидия дурагай полиплоидия деб ҳам аталади. У систематик узоқ шаклларни чатиштиришда вужудга келади. Ҳар хил хромосома йигиндиси бўлган тур ва авлодларни чатиштиришдан олинган дурагайлар географик узоқ дурагайлар дейилади. Буғдой ва жавдарни чатиштиришдан буғдой-жавдар дурагайи вужудга келиб, дурагайда буғдой ва жавдарнинг гаплоид хромосома йигиндиси бўлади. Аллополиплоиднинг хромосома йигиндиси фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки генетик тартиби жиҳатдан ҳам фарқ қиласи

Мустақил иш топшириқлари

- Полиплоидиянинг аҳамиятини тушунтиринг
- Полиплоидиянинг хиллари
- Қайси организмларда кузатилишини мисоллар асосида аникланг
- Мавзуга доир масалалар ечинг

Масала

1. Агар 18 ва 24 хромосомали формалар ўзаро чатиштирилса, насл берадиган дурагайнинг хромосомалари сони қанча бўлишини топинг?
 2. Рррр (Р-гулининг ранги, р-рангсизлигини ифодалайди) генотипига эга ўсимлик ўзидан чангланса, F_1 да гулнинг ранги қандай бўлади?
-
-
-
-
-
-
-
-
-

Сана _____

31-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Популяцияда кечадиган генетик жараёнларни ўрганиш

Машгулот мақсади: Популяция таркибидаги генлар ва генотиплар тарқалиш частотасини ҳисоблаш.

Умумий тушунча: Популяция таркибидаги доминант ва рецессив аллелларнинг ўзаро нисбати узоқ муддат сақланишини биринчи марта Харди-Вайнберг исботлади. Популяция таркибидаги ген ва генотипларнинг учраш частоталарини аниқлаш учун қуйидаги $p^2AA + 2pq Aa+q^2aa$ формула қабул қилинган. Бу ерда p^2 доминант, q^2 эса рецессив генларнинг учраш частоталариридир. Харди-Вайнберг қонунига асосан $p+ = 1$ га тенг бўлиши керак.

Масала. Олиб борилган кузатишлардан маълум бўлдики, ҳайвонлар популяцияси таркибида 84% сариқ ва 16% оқ ранглilари борлиги аниқланди. Гомозигота ва гетерозигота генларнинг учраш частоталарини аниқланг.

Масалани ечиш тартиби: Масалани ечиш учун $p^2AA + 2pq Aa+q^2aa$ формуладан фойдаланамиз. Масала шарти бўйича оқ рангли ҳайвон генотипи 16% ни ёки 0,16 га тенг, яъни бу q нинг қийматига тенгдир. Энди генотип таркибидаги рецессив геннинг учраш частотасини аниқлаш керак. Бунинг учун $q = \sqrt{0,16}$ қийматини формуладан топамиш. Ушбу формулага асосан 0,16 дан илдиз чиқарамиз. Бу эса 0,4 га тенг бўлади. Энди $p + q = 1$ формулага асосан доминант А геннинг қийматини топамиш, $p=A$ тенг деб олинса, у холда $p=1-q = 1-0,4=0,60$. Демак доминант геннинг учраш частотаси 0,60 га тенг экан. Доминант геннинг генотипдаги миқдори эса A^2 га тенг, яъни $0,6^2=0,36$ га тенг. Энди гетерозиготали генотипнинг учраш частотаси эса $2pq$, яъни $2 \times 0,6 \times 0,4 = 0,48$. Олинган натижаларни умумлаштириб шундай хulosага келиш мумкинки, популяция таркибида сариқ рангли ҳайвонлар 36 % ни, ушбу ранг бўйича гетерозиготали ҳайвонлар 48 % ни ва оқ рангли рецессив белгига эга бўлган ҳайвонлар эса 16% ни ташкил этди. Уларнинг умумий йиғиндиси 100 % ни ташкил этар экан.

Мустақил иш топшириклари

1. Популяция таркибини генетик таҳлил қилинг.
2. Гарди-Вайнберг қонуни моҳиятини тушунтиринг.
3. Ген ва генотипларнинг популяция таркибида учраш частотасини мустақил таҳлил қилинг.
4. Ёзга ўзидан чангланувчи ўсимликлар қаторига киради. Симподияси (A) бор 4 та ўсимлик симподияси йўқ (a) 2та ўсимлик билан ўзаро чатиштирилса, 5-бўғинда уларнинг генотипи билан фенотипининг нисбати қандай бўлади?

5. Ярослав қорамол зотига мансуб 850 та сигирдан 799 таси қора жунли, 51 таси түк қизил жунли эканлиги аниқланган. Мазкур популяцияда қора ва қизил рангли қорамолларнинг фенотипи нисбатини F_2, F_3 да аниқланг.

Сана

32-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

Мавзу: ўсимликларнинг миқдорий белгиларини ўрганиш

Машғұлот мақсади: Микдорий белгиларнинг аҳамиятини үрганади

Үмумий түшүнчә: Миңдор белгилар қаторига ҳайвонларнинг вазни, сут миңдори, сутнинг ёғлилиги; ўсимликларнинг бўйи ҳосилдорлиги улар уруғларининг оғирлиги кабилар киради. Уларни ўлчаш санаш тортиш каби усууллар орқали ўрганилиб уларга миңдорий баҳо берилади. Шунинг учун улрни миңдор белгилар деб атаемиз. Организим миңдор белгилари генетикасининг барпо этилиши ва ривожланиши атоқли олимлар Нильсон-Эле (1908), А.Ланг (1911) , Е.М.Ист (1910, 1916), Г.М.Расмуссен (1933) ва К. Мазер (1941) ларнинг номлари билан боғлиқ. Миңдор белгилар генетикассига айниқса К.Мазер катта ҳисса қўшди. У полимер назариясини ишлаб чиқди ва миңдор белгиларининг ирсийланишини таҳлил қилишнинг самарали статистик методларини яратди. К.Мазер генетика “полиген ирсият ” атамасини кирилди. Полигенларнинг ҳар бири миңдор белгилрининг ривожланишига нисбатан суст таъсир кўрсатади. Аммо полигенлар тизими жамланган ҳолда эса тўлиқ фенотипик ривожланиш рўёбга чиқади. Миңдор белгиларининг ривожланишига генотипдан ташқари муҳит шароитлари ҳам сезиларили таъсир кўрсатади. Миңдор ўзгарувчанликни ўргани учун статистик методлар кенг қўлланилади. Баъзан миңдорий белгилар билан бир-биридан кескин фарқланувчи ота-она организмларни чатиштириб олинган дурагай авлодларда миңдорий белгилари мустаҳкам турғун ҳолатда наслдан-наслга бериладиган шакллар ҳосил бўлади. Бу ҳодисага трасгрессия деб аталади. Трансгрессия ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Айтайлик, ҳамма доминант генлар тенг даражада ижобий таъсир этиб, уларнинг рецессив аллеллари- салбий таъсир кўрсатса , ота-она шакиллар AAbb-CCdd ва aaBBccDD генотипларга эга бўлади. Шунда F₁ дурагайдан бошлаб ижобийдан (AABBCCDD) салбийгача (aabbccdd) генотиплар ҳосил бўлади.

Керакли жиҳозлар: Бирор бир ўсимлик ва унининг дони, тарози, чизғич

Ишнинг бажарилиши: Ўсимликларнинг микдорий белгиларини аниқланг

Мустақил иш топшириқлари

1. Микдорий белгилар нима?
 2. Сифат белгилар билан қандай фарқ қиласы?
 3. Трансгрессия нима?
 4. Мавзуга доир масалалар ечинг.

Масала. 1. Бұғдойда A_1A_1

Сана

33-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

МАВЗУ: Ўзгарувчанлик ҳиллари. Мутацион ўзгарувчанлик.

Машғұлот мақсади: Мутацион үзгарувчанлықни ҳилларини түшүнади

Умумий түшүнчә: Организмларнинг белги ва хусусиятлари бўйича ўзаро фарқ қилиш хоссаси ўзгарувчанлик деб аталади. Ўзгарувчанлик – ирсийланмайдиган ва ирсийланадиган хилларга бўлинади. Ирсийланмайдиган ўзгарувчанлик модификацион ўзгарувчанлик деб номланади. Ирсий ўзгарувчанлик эса комбинатив, рекомбинатив ва мутацион ўзгарувчанликга ажralади. **Комбинатив ўзгарувчанлика** чатиштиришда қатнашган ота-она организм генотипларидаги генларнинг қайта комбинацияланиши, уларнинг ўзаро таъсири туфайли пайдо бўлади. Генларнинг қайта комбинацияси хужайранинг мейоз бўлинишида ота-она хромосомаларининг гаметаларга мустакил тақсимланиши ва уларнинг уругланиш пайтида тасодифий комбинацияси натижасида юзага келади.

Рекомбинацион ўзгарувчанлик гомологик хромосомалар, айрим ҳолатларда ногомологик хромосомалар чалкашуви оқибатида рўёбга чиқади. Рекомбинацион ўзгарувчанлик кроссинговер натижасида ДНКдаги генларнинг қайта бирикиши туфайли хам содир бўлиши мумкин.

Комбинатив ўзгарувчанликда чатиширишда қатнашган ота-она организм генотипларидағи генларнинг қайта комбинацияланиши, уларнинг ўзаро таъсири туфайли пайдо бўлади. Генларнинг қайта комбинацияси хужайранинг мейоз бўлинишида ота-она хромосомаларининг гаметаларга мустақил тақсимланиши ва уларнинг уруғланиш пайтида тасодифий комбинацияси натижасида юзага келади.

Рекомбинацион ўзгарувчанлик гомологик хромосомалар, айрим ҳолатларда ногомологик хромосомалар чалкашуви оқибатида рўёбга чиқади. Рекомбинацион ўзгарувчанлик кроссинговер натижасида ДНКдаги генларнинг қайта бирикиши туфайли хам содир бўлиши мумкин.

Мутацион ўзгарувчанликни синфлашнинг бир неча типлари бор.

1. Келиб чиқишига кўра мутациялар **спонтан ва индуцирланган хилларга** бўлинади. Спонтан мутация табиатда тўсатдан пайдо бўладиган, индуцирланган мутация эса сунъий шароитда турли физикавий ёки кимёвий омиллар таъсирида хосил қилинадиган мутация саналади.
 2. Пайдо бўлган жойига кўра мутация **генератив ва соматик мутацияяга** ажратилади. Генератив мутация жинсий ҳужайраларда, соматик мутация эса тана ҳужайраларида рўёбга чиқади.
 3. Фенотипда намоён бўлишига кўра мутация **морфологик, физиологик, биокимёвий** хилларга бўлинади.
 4. Мутацияни ҳаётчанликга кўрсатган таъсирига қараб **летал, яrim летал, пуштсиз, нейтрал ва фойдали** хилларга бўлиш мумкин.

5. Ирсиятнинг моддий асосларини ўзгаришига қараб мутациялар ген, хромосома ва геном мутация типларига, уларнинг ҳар бири ўз навбатида мутация синфларига ва турларига бўлинади.

Мустақил иш топшириқлари

1. Ирсийланмайдиган ўзгарувчанлик қандай номланади?

- А. Комбинатив
 - Б. Рекомбинатив
 - С. Мутацион
 - Д. Модификацион

2.Мутация типларига - ... кирмайды.

- А. Соматик мутациялар
 - Б. Ген мутациялари
 - С. Хромосома мутациялари
 - Д. Геном мутациялар

3. Генотипига күра мутацияларни схематик равишида изохланг

	ТИПЛАРИ	СИНФЛАРИ	ТУРЛАРИ
Мутациялар			

Сана _____

34-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

Мавзу: маданай ўсимликларни кариотипини ўрганиш

Машгулут мақсади: Ҳар бир турга киравчи ўсимликларнинг кариотип сонини билади

Умумий тушунча: Маълум турга тегишли организмларнинг турли соматик тўқималарининг ҳужайра хромосомалари тадқиқ этиши шуни кўрсатадики ҳар бир тур учун хромосомаларнинг ўзига хос сони, шакли ва таркиби мавжуддир.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг маълум систематик гурухи учун хос бўлган соматик ҳужайра хромосомаларнинг сони, шакли ва ўлчами кариотип деб аталади. Ҳар хил турларга киравчи организмлар ҳужайраларида хромосомалар шаклига кўра бир-бираидан фарқ қиласди. Хромосомаларнинг баъзиларида узун бўлса, баъзиларида калтароқ бўлади. Саматик ҳужайраларда хромосомалар сони жинсий хромосомалар сонига нисбатан икки марта кўп. Ҳар бир турнинг соматик ҳужайраларидаги хромосомаларнинг катта кичиклиги шаклининг график тасвири идиограмма деб аталади.

№	Тур номи	Хромосомалар сони
1	Юмшоқ буғдой (<i>Triticum aestivum</i>)	42
2	Қаттиқ буғдой (<i>Triticum durum</i>)	28
3	Арпа (<i>Hordeum vulgare</i>)	14
4	Жавдар (<i>Secale cereale</i>)	14
5	Сули (<i>Avena sativa</i>)	42
6	Маккажўхори (<i>Zea mays</i>)	20
7	Шоли (<i>Orusa sativa</i>)	24
8	Нўҳат (<i>Pisum sativum</i>)	14
9	Соя (<i>Glycine hispida</i>)	28
10	Люпин (<i>Lupinus albus</i>)	50
11	Картошка (<i>Solanum tuberosum</i>)	48
12	Пиёз (<i>Alliaum cera</i>)	16
13	Лавлаги (<i>Beta vulgaris</i>)	18
14	Кунгабоқар (<i>Helianthus anniis</i>)	34
15	Беда (<i>Medicago sativa</i>)	32
16	Карам (<i>Brassica oleracea</i>)	18
17	Бодринг (<i>Sucumis sativus</i>)	14



Мустақил иш топшириклари

1. Кариотип нима?
2. Кариограмма-чи?
3. Кариотипнинг ўзгариши нималарга олиб келади?
4. Маданий ўсимликлар кариотипини ёдланг?
5. Расмини расм дафтaringизга туширинг.

Сана_

35-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ МАВЗУ: ДУРАГАЙЛАШДАН ОЛИНГАН КЎРСАТКИЧЛАРНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.

Машғулот мақсади: Белгиларнинг ирсийланганлик даражасини аниqlашда статистика усулларини қўллай олиш.

Умумий түшүнчә: Түлиқ ирсийланишга эга организмларнинг F_2 бўғинини анализ қилганда улар фенотип жиҳатдан 3:1 ёки 1:2:1 нисбатда, анализ қилувчи чатиштиришда эса 1:1 нисбатда ажралади. Биологик ходисаларни сон жиҳатдан ўрганиш гипотезалар яратишни, сўнг улар қанчалик тўғри эканлигини статистик йўл билан текширишни тақозо қиласди. Гипотезани текшириш учун тажрибада олинган натижага билан назарий жиҳатдан кутилган натижага ўзаро таққосланади. Агар тажрибада олинган маълумотлар назарий жиҳатдан кутилган натижага мос бўлса, у ҳолда яратилган гипотеза тўғри деб топилади. Мабодо, тажрибада олинган маълумотлар назарий жиҳатдан кутилган натижага мос келмаса, у ҳолда яратилган гипотеза нотўғри деб топилади ва ундан кейинчалик фойдаланилмайди. Тажрибада олинган маълумотлар билан назарий жиҳатдан кутилган натижага орасида фарқ турли даражада номоён бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда бу фарқ жуда кичик ва тасодифий бўлса, бошқа ҳолларда у анча катта ва муқаррар бўлади. Шу сабабдан тажрибада олинган ва кутилган маълумотларни статистик баҳолаш керак. Бу масалани ёритишида генетикада

кўпроқ х усулидан кенг фойдаланилади. Бу усулни 1900 йили инглиз математиги К.Пирсон таклиф этган. Мазкур усулдан қуйидагича фойдаланилади. Биринчи навбатда жадвал 20 чизилади. У икки бўлимдан, яъни маълумотлар ва индивидлар миқдоридан иборат бўлади.

Индивидлар ҳосил бўлган фенотипик синфлар микдорига кўра: а) доминант белгили; б) рецессив белгили; в) жами индивидларга бўлинади. Маълумотлар бўлимига тажрибада олинган ажралиш (P), унинг остига кутилган нисбат ва назарий жиҳатдан кутилган ажралиш $^{\wedge}$) ёзилади.

Масалан: Дрозофилада мева пашласининг кулранг ва қора танали формаларини чатиштиришдан F_2 да 78 та кулранг, 18 та қора танали, жами 96 та дрозофилада олинди деб фараз қиласайлик. У ҳолда биз кутилган нисбат графасини түлдиргандан 78 рақамининг остига 3; 18 рақамининг остига 1 деб ёзамиш. Модомики, барча дрозофилалар F_2 да 96 та бўлса, у ҳолда назарий жиҳатдан кутилган ажралиш 72 та 24 та бўлади. Энди жадвалнинг яна бир қатор пастига тажрибада олинган натижа ва назарий жиҳатдан кутилган натижа орасидаги фарқ: $\hat{\sigma} = \sqrt{P - \hat{P}}$ ёзилади. Мисолимизда у $78 - 72 = 6$; $18 - 24 = -6$ га teng. $\hat{\sigma} = \sqrt{P(1-P)}$ кийматининг ишораларини тенглаштириш учун квадратга кўтарамиз $\hat{\sigma}^2$ ҳар икки ҳолда ҳам 36 бўлиши табиий бир ҳол. Энди χ^2 ни аниқлаш учун ҳар бир фенотипик синф бўйича чиқсан $\hat{\sigma}^2$ ни назарий жиҳатдан кутилган фенотипик маълумотга тақсимлаймиз. Келтирилган мисолда $\hat{\sigma}^2 = 0,50$ доминант белгили, $\hat{\sigma}^2 = 1,50$ рецессив белгили фенотиплар

бўйича маълумотлар олинади. Энди, $x^2 = Y$ д² _____ эканлигини эътиборга олган ҳолда, доминант ва рецессив белгилар бўйича олинган маълумотларни жамлаб чиқсак, у ҳолда $x^2 = 2,00$ бўлишини кўрамиз.

Маълумотлар	Организмлар сони		
	кулранг	кора	жами
Олинган (Р)	78	18	96
Кутилган нисбат	3	¹	4
Назарий жихатдан кутилган-д	72 +6	24 -6	96
Фарқ-б = р-д	36	36	-
б ² - фарқнинг квадрати	36,76=0,5	36,24=1,5	$x^2=2,00$
б ² , д нисбат			

x^2 услубини моҳияти шундан иборатки, унинг ёрдамида кузатилган ва кутилган натижалар орасидаги фарқ тасодофий ёки муқаррар эканлигини аниқлаш мумкин. Бу Фишер жадвали (жадвал 21) ёрдамида амалга оширилади. Бу жадавалнинг чап томонида вертикал устунда озодлик даражалари, юқорида горизонтал бўйича турли эҳтимолликлар кўрсатилган. Озодлик даражасининг қиймати $p = 1$ га teng бўлади. p - фенотипик синфлар сони, монодурагай чатищтирищда. F_2 да

2 та фенотипик синф ҳосил бўлганлиги сабабли озодлик даражаси 1 га teng. Эҳтимолликларнинг қийматини аниқлаш қандай мақсадда тажрибалар олиб борилишига боғлиқ. Медицинада кўпроқ 0,01% эҳтимоллик ишлатилади, бизнинг мисолимизда 0,05% эҳтимоллиқдан фойдаланилса бўлади. 0,05% эҳтимоллик 100 воқеаликдан 95 тасида биз сурган гипотеза тўғри чиқади деган маънони беради. Шундай қилиб, озодлик даражаси 1га teng, эҳтимоллик 0,05 га teng бўлган Фишер жадвалида 3,841 га teng. Биз томондан ҳисоблаб чиқилган х микдори 2,00 жадвалда белгиланган қийматдан кичик бўлса, ноль гипотезага мувофиқ, тажрибада олинган натижа билан назарий жихатдан кутилган натижа орасида ҳеч қанда фарқ йўқлигини англатади, яъни 3:1 нисбатга тўғри келади. x^2 нинг жадвалда белгиланган қийматдан катталиги, олдинга сурилган гипотеза ўринсизлигини билдиради, яъни ноль гипотеза нотўғри эканлигини кўрсатади. Энди ноль гипотезани тасдиқловчи ва унинг ўринсизлигига доир мисол билан танишамиз.

Ҳар хил озодлик даражасида x^2 нинг қийматини аниқлаш. Фишер жадвали

Озодлик даражаси	Эҳтимоллик						
	0.99	0.95	0.80	0.5	0.10	0.05	0.01
1	0.000157	0.0393	0.642	0.455	1.642	3.841	6.635
2	0.101	0.103	0.446	1.386	3.219	5.991	9.210
3	0.115	0.352	1.005	2.366	4.642	7.815	11.341
4	0.297	0.711	1.649	3.357	5.989	9.488	13.277
5	0.554	1.145	2.343	4.351	7.289	11.070	15.086
6	0.872	1.635	3.070	5.348	8.558	12.592	16.812
7	1.239	2.167	3.822	6.346	9.803	14.067	18.475
8	1.646	2.733	4.594	7.344	11.030	15.507	20.090

9	2.088	3.325	5.380	8.348	12.242	16.919	21.666
10	2.558	3.940	6.179	9.342	13.442	18.307	23.209

Масалан, дрозофиланинг кулранг танали ва қора танали формаларини чатиштириб, улардан олинган F^{\wedge} урғочи дрозофилани қора танали эркак пашша билан чатиштириш оқибатида F_v 300 та (улардан 160 таси кулранг танали, 140 таси қора танали) ва 60 та (улардан 40 таси кулранг танали, 20 таси қора танали) индивидга эга оиласлар олинди деб фараз қиласлик. Агар уларнинг қиймати χ^2 методи билан аниқласак, тубандагича натижа олинди:

Маълумотлар	Организмлар сони			
	60 индивид		300 индивид	
	кулранг	қора	кулранг	қора
Олинган (Р)	40	20	160	140
Кутилган нисбат	1	1	1	1
Назарий жиҳатдан кутилган - ^A	30	30	150	150
Фарқ- $\delta^2 = p-d$	-10	+10	+10	-10
δ^2 - фарқнинг квадрати	100	100	100	100
δ^2 - нисбат	3,33	3,33	0,67	0,67
4	$\chi^2 = 6,66$		$\chi^2 = 1,34$	

Жадвалдан кўриниб турибдики, турли оиласла олинган χ^2 нинг микдори бир-биридан кескин фарқ килади. Биринчи ҳолатда кузатилган ва назарий жиҳатдан кутилган натижалар орасида катта фарқ бўлганлиги сабабли χ^2 микдори катта ва фишер жадвалидаги 3,84 дан юқори. Демак, ноль гипотеза нотўғрилигини англатади. Иккинчи ҳолатда олинган χ^2 микдори жадвалдан олинган қийматдан кичик ($1,34 < 3,84$), яъни олинган натижа 1:1 нисбатга мос келади.

МУСТАҚИЛ ЕЧИШ УЧУН МАСАЛАЛАР

- Дони қора бўлган иккита ловия ўсимлиги чатиштирилганда 585 та қора, 180 та оқ донли ўсимлик олинган. Тажрибада олинган натижа назарий жиҳатдан кутилган натижага қай даражада мослигини статистик йўл билан аниқланг.
- Ловиянинг қора донли формалари оқ донли формалари билан чатиштирилиши натижасида F_v бўғинда 176 та қора, 198 та оқ донли ўсимликлар ривожланди. Уларнинг χ^2 ни аниқланг.
- Норкаларнинг жигаранг жунли формалари кулранг жунли формалари билан чатиштирилиши натижасида 47 та жигарранг жунли ва 14 та кулранг жунли формалар ҳосил бўлган. Тажриба

якунлари кутилган натижага қай даражада мослигини статистик усулда аниқланг.

4. Дрозофилла мева пашласининг қулранг танали эркак ва ургочи формалари чатиштирилган. Наслдаги 1584 та дрозофилладан 1199 таси қулранг, 385 таси қора рангли эканлиги маълум бўлди. Тажрибада олинган натижага назарий жиҳатдан кутилган натижа қай даражада мос келишини статистик усулда аниқланг.

Адабиётлар

1. Фофуров А.Т. Дарвинизм (дарслик) Т., «Ўқитувчи», 1992.
2. Гуляев Г.В. Генетика. М., “Клос”, 1984.
3. Мақсадов З.Ю. Умумий генетика. Т., “Ўқитувчи” 1980.
4. Салихбоев И.К. Ривожланиш биологияси. Т., ТошДУ, 1992. 7-9 бетлар.
5. Холиков П.Х., Шарофиддинхўжаев Н.Ш. ва бошқалар. Биология. (дарслик) Т., 1996.
6. Ҳ. Қаршибоев: «Цитология» курсидан ўкув қўлланма. Гулистан- 2002.

